



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 150-АССАМБЛЕЯСИДАГИ НУТҚИ



Ўрнатилган
Хўрматли Тўлия Эксон Хоним олиялари!
Хўрматли Мартин Чунгонг Жаноби олийлари!
Хўрматли парламентлар раҳбарлари ва
аъзолари!

Хонимлар ва жаноблар!
Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей
Ассамблеясида иштирок этиш учун дунёнинг барча
қитъаларидан келган нуфузли делегацияларни
Ўзбекистон заминида самимий қутлашдан ғоят
хурсандман.

Ўз сафида 181 та миллий парламент ва 15 та
минтақавий уюшмани бирлаштирган Иттифоқнинг
Ассамблеяси илк марта Марказий Осиё
минтақасида бўлиб ўтмоқда. Анжуманнинг азим
пойтахтимиз – Тошкент шаҳрида ўтказилаётгани
бизга улкан ифтихор бағишлайди.

Бундай юксак ишонч ва эҳтиромни биз
юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли
демократик ислохотлар, парламентаризм ва
вакиллик ҳокимиятини ривожлантириш борасида
эришилаётган катта натижаларнинг эътирофи, деб
қабул қиламиз.

Мен ҳам 15 йил давомида парламент аъзоси
бўлганман. Дунёни тинч-осойишта, жамиятларни
янада фаровон қилишга қаратилган олижаноб
фаолиятингиз нақадар масъулиятли эканини яхши
билман ва тушунаман.

Сизлар – бамисоли халқларни бир-бирига
боғловчи мустаҳкам дўстлик кўпригисиз. Сизлар –
одамларнинг дарду ташвиши ва муаммоларини энг
қўйи тизимдан бошлаб, керак бўлса, минтақавий
ва халқаро миқёсга олиб чиқишга, уларга
самарали ечим топишга қодир бўлган қудратли
кучсизлар.

Албатта, сизлар ўз халқларингизнинг хоҳиш-
иродасини намоён этиб, миллий тараққиёт
моделларини ишлаб чиқишда, замонавий хавф-
хатарларга муносиб жавоб беришда катта роль
ўйнамоқдасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Парламентлараро
Иттифоқ раҳбариятига, ташкилотга аъзо ва
кузатувчи давлатларнинг қонунчилик органлари
ҳамда халқаро парламент уюшмалари вакилларига

чин дилдан самимий ташаккур изҳор этаман.
Ўзбекистонга хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!
Хўрматли Ассамблея иштирокчилари!
Сир эмас, сўнгги йилларда дунёнинг турли
минтақаларида қуролли тўқнашувлар, экологик ва
техноген фожиалар, иқтисодий инқирозлар, “савдо
урушлари”, терроризм ва экстремизм таҳдидлари
тобора кучайиб бормоқда. Бундай ўта мураккаб
шароитда жаҳонда тинчликни сақлаш, ижтимоий
тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентлар
иштироки ва таъсирини оширишни замоннинг ўзи
талаб этмоқда.

Вакиллик дипломатиясини амалга ошириш,
долзарб масалаларни халқлар ва давлатларнинг
умумий манфаатлари асосида тизимли ҳал этишда
Парламентлараро Иттифоқ нуфузли ва энг йирик
кўп томонлама институтга айланганини алоҳида
таъкидламоқчиман.

Иттифоқнинг Бирлашган Миллатлар
Ташкилотига доимий кузатувчи мақомига эга
экани унинг глобал барқарорлик ва ҳамжиҳатликка
қўшаётган ҳиссасининг ифодасидир. Бугунги
анжуманда 140 га яқин давлатдан 2 мингдан зиёд
иштирокчилар қатнашаётгани ҳам фикримнинг
ёрқин далилидир.

Бизнинг ташаббусимиз билан Ассамблея
“Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент
ҳаракати” мавзусида ўтказилаётгани албатта чуқур
рамзий маънога эга.

Таҳлилларга кўра, сўнгги ўттиз йилда жаҳон
ялпи ички маҳсулоти ҳажми 4,5 баробарга
ортган. Лекин, афсуски, инсониятнинг камбағал
қатламлари даромадлари деярли ўзгармаган.
Агар бу тенденция сақланиб қолса, 2030 йилга
бориб дунё аҳолисининг 575 миллион нафари
қашшоқликда умр кечиради. 84 миллион бола эса
таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳолат иқтисодиёт
ва жамиятга катта зарар етказиши, ижтимоий-
иқтисодий институтлар фаолиятини
заифлаштириши, пировард натижада одамларнинг
имкониятларини чеклайди.

► Давоми. 2-бетда

«ОЛДИМИЗДА МИНТАҚАМИЗНИ НАФАҚАТ БАРҚАРОР, БАЛКИ ФАРОВОН ҚИЛИШ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИЯТ ТУРИБДИ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанддаги «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммити олдидан «Euronews»га берган интервьюси

– Кейинги йилларда дунё
шиддат билан ўзгармоқда:
геосиёсий беқарорлик,
иқтисодий хатарларнинг
ўсиши, иқлим ўзгариши
билан боғлиқ муаммолар
– буларнинг барчаси
халқаро ҳамкорлиқнинг
янги форматларини тақозо
этмоқда.
Шу нуқтаи назардан
қаралганда, Самарқанд
шаҳридаги «Марказий
Осиё – Европа Иттифоқи»
саммити минтақаларимиз
ўртасидаги муносабатларда
бўрилиш нуқтаси сифатида
бўринмоқда. Нима учун айнан
шу пайт ўзаро ҳамкорлик янги
босқичга чиқмоқда?

– Минтақаларимизни чуқур
тарихий илдизлар, бир-бирига
мос манфаатлар ва яқин шерик-
ликка объектив интилиш боғлаб
туради. Бугунги кунда биз Европа
Иттифоқи билан ҳамкорлиқнинг
қарийб ўттиз йиллик самарали
тажрибага асосланган аниқ кун
тартибини шакллантирганмиз.

Бизнинг Европа Иттифоқи
билан шериклигимиз – бу икки
томонлама ҳаракат, ундан иккала
томон ҳам манфаат кўриши лозим.

«Марказий Осиё – Евро-
па Иттифоқи» формати – ноёб
ҳамкорлик платформаси бўлиб,
ўлчам ва институционал қамров
ҳисобланади. Европа Иттифоқи
билан ҳамкорлик иқтисодиёт ва
инвестициядан тортиб барқа-
рор ривожланиш, хавфсизлик
ва рақамли трансформациягача
бўлган соҳаларнинг кенг маж-
муасини қамраб олади ҳамда узок
муддатли стратегик устувор йўна-
лишларга асосланади.

Биз европалик ҳамкорларимиз
билан мунтазам учрашиб кел-
моқдамиз. Минтақамизга етак-
чи давлатлар раҳбарларининг
ташрифлари анча фаоллашди.
Ўзбекистон Италия ва Франция

билан стратегик шериклик ўрнат-
ди. Германия ва Марказий Осиё
мамлакатлари эса минтақавий
стратегик шерикларга айланди.

Бугун Европа Иттифоқи Мар-
казий Осиё давлатлари билан
савдо ва инвестиция алоқаларини
изчил ривожлантирмоқда. Охирги
етти йилда Марказий Осиё мам-
лакатларининг ЕИ билан савдо
айланмаси тўрт баробар ошиб, 54
миллиард еврони ташкил этди.

Биз Европа бизнесининг
Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа
мамлакатлар билан савдо ва
инвестициявий ҳамкорлик қилиш
имкониятларига қизиқиши кў-
чайиб бораётганини мамнуният
билан кузатмоқдамиз.

Минтақамизда кузатилаётган
ижобий жараёнлар тўғрисида
Марказий Осиё қудратли ва етакчи
давлатларнинг Шарқ ва Ғарб,
Шимол ва Жанубни боғловчи
йўллар туташган геосиёсий
чорраҳадаги ишончли ҳамкорига
айлантирмоқда. Бу «Марказий
Осиё плюс» форматларида ўз
ифодасини топмоқда. Улар очиқ
мулоқотни қўллаб-қувватлашга
хизмат қилиб, барча томонларнинг
ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун
қўлай имконият яратмоқда.

Бундай шароитда Самарқанд
саммитида Европа Иттифоқи ва
минтақамиз давлатлари ўртасида
стратегик шериклик йўлга қўйи-
лиши минтақалараро ҳамкорлик
ва ўзаро боғлиқликнинг ривожла-
нишида янги йўналишлар очади.

– Саммитни ўтказиш жойи
сифатида Самарқанд шаҳри
танланишининг сабаби
ҳақида батафсил сўзлаб
берсангиз. Самарқанд мулоқот
ва имкониятлар нуқтаи
назаридан қандай рамзий
аҳамиятга эга?

– Самарқанд — асрлар да-
вомида савдо, илм-фан ва дип-
ломатия маркази бўлиб келган
шаҳардир. Унинг улғуворлиги
турли маданиятлар, халқлар ва
ғояларни бирлаштира олганида.
Бугун у яна Европа ва Марка-
зий Осиё замонамизнинг асосий
муаммоларини муҳокама қилиши
мумкин бўлган мулоқот майдони-
га айланмоқда.

► Давоми. 2-3 бетларда



РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ФЕДЕРАЛ МАЖЛИСИ
ФЕДЕРАЛ КЕНГАШИ РАИСИ ВАЛЕНТИНА МАТВИЕНКО:

— Тошкент — халқаро мулоқотлар марказига айланапти.
Тўғри, бу осон иш эмас. Бундай нуфузли тadbирни қабул
қилиш — катта масъулият, олий даражадаги ташкилотчилик
ва, албатта, Ўзбекистоннинг ортиб бораётган халқаро
обрусининг натижаси.



ТУРКИЯ БУЮК МИЛЛАТ МАЖЛИСИ РАИСИ
Н.КУРТУЛМУШ:

— Ўзбекистон бизга ота макон. Мазкур тadbирнинг
Ўзбекистонда ўтиши жуда муҳим. Президент Шавкат Мирзиёев
олиб бораётган оқилона сиёсат натижасида мамлакат
юксалмоқда.



ТУРКМАНИСТОН МАЖЛИСИ РАИСИ
ДУНЁГОЗАЛ ГУЛМАНОВА:

— Ўзбекистонга таклиф қилганингиз учун чуқур миннатдорлик
билдирамиз. Бу биз учун катта шараф. Маълумки, бугунги кунда
бутун дунё нигоҳи Ўзбекистонга қаратилган. Кунни кеча Самарқандда
ва шу кунларда Тошкентда бўлиб ўтаётган халқаро тadbирлар
Ўзбекистон дипломатияси учун янги саҳифаларни очмоқда!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 150-АССАМБЛЕЯСИДАГИ НУТҚИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Албатта, бундай тенгсизликнинг асл сабабларини аниқлаш ва унинг оқибатларига қарши курашиш барчамизнинг асосий вазифамиздир.

Ишонаман, ушбу йўналишда давлатларнинг вакиллик органлари ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва янада кенгайтириш умумий тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшади.

Бу борада парламентлар энг яхши анъана ва илғор тажрибаларни ишга солиш ва алмашиш, ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, бор интеллектуал салоҳияти ва кучини тўлиқ сафарбар қилишига умид қиламан.

Барчангизга ана шундай шарафли ишда улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Хўрматли делегациялар раҳбарлари ва аъзолари!

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ортга қайтмас демократик ислохотлар ва прагматик ташқи сиёсат йўлидан дадил қадам босиб, дунё ҳамжамияти билан очик ва жадал мулоқот олиб бормоқда.

Биз мамлакатимизда кучли ва масъулиятли парламентни барпо этиш, самарали парламент дипломатиясини татбиқ қилиш учун кенг шароитлар яратяпмиз.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида парламент институтини ривожлантиришни муҳим вазифа сифатида алоҳида белгиладиқ. Сўнгги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнини оширишга қаратилган 20 дан зиёд қонунлар қабул қилинди.

Айникса, 2023 йили умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги Конституцияда парламент ваколатлари кескин оширилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенат ваколатлари эса 14 тадан 18 тага етказилди. Суд, коррупцияга қарши кураш ва рақобат органларини шакллантириш бўйича Президентнинг қатор ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимиятга ўтказилди. Парламентнинг Ҳукуматни шакллантиришдаги иштироки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан назорат механизмлари янада кучайтирилди.

Бу ўзгаришларга мос тарзда ҳудудларимизда ҳам халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ваколатлари кенгайтирилди. Жумладан, 30 дан ортиқ ваколатлар маҳаллий кенгашларга ўтказилди ва бу жараёнлар изчил давом эттирилмоқда.

Миллий парламентимизда хотин-қизларнинг улуши бугунги кунда 38 фоизга етди. Мазкур кўрсаткич Парламентлараро Иттифоқ томонидан юксак эътироф этилиб, Осиё минтақасида сўнгги ўттиз йилда энг юқори ўсиш сифатида баҳолангани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Бундан ташқари, 2021 йилда Олий Мажлис палаталари қошида илк бор ёшлар парламентлари фаолияти йўлга қўйилди.

Айни пайтда миллий парламентимиз 100 га яқин хорижий ҳамкорлари билан яқин алоқалар ўрнатган. 80 та қўшма дўстлик гуруҳлари ва комиссиялари самарали ишляпти.

Ўзбекистон парламент йўналишида глобал аҳамиятга молик бўлган қатор халқаро ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни

жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияси қабул қилинди.

Иттифоқ билан ҳамкорликда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ҳар икки йилда Парламентлараро глобал ҳамкорлик форуми ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон вакиллари Осиё Парламентлари Ассамблеяси, Марказий Осиё парламентлари форуми, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлар Ассамблеяси ва бошқа платформаларда фаол иштирок этмоқда.

Умуман, бугунги кунда вакиллик органларимиз Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя ва камбағалликни қисқартириш, гендер тенгликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳам ўз зиммасига катта масъулият олган.

Ушбу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун парламентимизда етарли салоҳият, юксак тафаккур ва бой тажрибага эга, сайловчиларнинг мустаҳкам ишончини қозонган жонкуяр ва фидойи халқ ноиблари фаолият юритмоқда.

Хўрматли хонимлар ва жаноблар! Жаҳонда юз бераётган бугунги глобал ўзгаришлар Парламентлараро Иттифоқ ва миллий парламентларимиз олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ушбу Ташкилотнинг тўлақонли аъзоси сифатида унинг барча тузилма ва форумлари ишида фаол иштирок этиб келмоқда. Глобал кун тартибидаги устувор йўналишлар бўйича сермахсул амалий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Ижозатингиз билан қуйидаги масалаларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи. Жаҳоннинг турли минтақаларидаги низолар глобал ва минтақавий тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда.

Ўзбекистон ҳар қандай зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат дипломатия ва тинч музокаралар йўли билан ҳал этишнинг қатъий тарафдори эканини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Умид қиламизки, Украина атрофидаги вазият бўйича бошланган музокаралар жараёни ўзининг ижобий натижасини беради.

Энг оғриқли муаммоларга халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва резолюциялари асосида ечим топиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, Фаластин – Исроил низосининг ягона ва адолатли ечими “икки халқ учун – икки давлат” тамойилини рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Бизга қўшни бўлган Афғонистон ҳақида тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Ушбу мамлакатнинг халқаро майдонда яккаланиб қолишига йўл қўймаслик, амалдаги ҳукумат билан конструктив мулоқот ўрнатиш, Афғонистонга Марказий Осиё минтақасининг ажралмас қисми ва янги имкониятлар макони сифатида қараш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу борада парламентларнинг кўмагига ишонамиз.

Умуман олганда, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотини универсал ва муқобили йўқ ягона глобал тузилма сифатида эътироф этади. Биз бу борада Бош котиб

Антониу Гутерришнинг мазкур халқаро ташкилотни чуқур ислоҳ қилиш, унинг салоҳиятини ошириш бўйича олиб бораётган тизимли саъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, Евросиё гуруҳининг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган баёнотини тўла олқишлаймиз.

Иккинчи. Давримизнинг ўткир муаммосига айланган, сайёрамиз тараққиётига жиддий тўсик бўлаётган иқлим ўзгаришлари доимо диққатимиз марказида бўлиши керак. Чунки унинг аянчли оқибатлари, энг аввало, ривожланаётган мамлакатларга кучли таъсир кўрсатмоқда.

Париж битими доирасида ва углерод нейтраллигига эришиш борасида ўз зиммамизга олган мажбуриятларни тўлиқ бажариш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Бу масалаларни яқинда Самарқандда бўлиб ўтган халқаро иқлим форумида ҳам атрофлича муҳокама қилдик.

Давлатларнинг иқлим сиёсати бўйича илғор ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, қайта тикланадиган энергия манбалари ва “яшил” технологияларга ўтишни рағбатлантириш парламентларнинг муҳим вазифасига айланса, албатта, салмоқли ютуқларга эришамиз.

Иқлим ўзгариши мавзуси Ассамблеянинг кун тартибидаги бош масалалардан бири сифатида доимий ўрин олиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Учинчи. Хотин-қизлар ҳуқуқларини қатъий қарор топтириш ижтимоий тараққиётнинг асосий шартларидан биридир.

Тахлилларга кўра, иқтисодиётнинг барча тармоқларида аёлларнинг эркаклар билан тенг иштироки таъминланса, жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 26 фоизга ўсади. Дунё миқёсида аёл депутатларнинг улуши 1995 йилдаги 11,3 фоиздан жорий йилга келиб 27,2 фоизга кўтарилгани албатта қувонарли ҳолдир.

Жамият бошқарувида аёллар фаоллигини қўллаб-қувватлаш бўйича таъсирчан чоралар ёрдамида, ҳеч шубҳасиз, янги натижаларга эришамиз.

Сўнгги йилларда юртимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти институтлари ва Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда Осиё хотин-қизлар форуми ва Жаҳон парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити самарали ўтказилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу боис бизнинг ташаббусимиз билан илгари сурилаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Осиё хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар фаоллигини ошириш тўғрисида”ги резолюциясини қўллаб-қувватлашингизга умид қиламан.

Тўртинчи. Ёшларнинг парламент фаолияти билан бир қаторда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тўлақонли иштирок этиши учун уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ўта долзарб масаладир.

Парламентлар учун янги авлодни тарбиялаш, бу борада самарали халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш келажагимизнинг муҳим омилдир. Шу боис миллий парламентлар ҳамда Иттифоқ фаолиятига ёшларни фаол жалб этиб, доимий мулоқотни кучайтириш зарур, деб ўйлайман. Бу борада Парламентлараро

Иттифоқ тизими доирасида Ёшлар парламентлари глобал платформасини ташкил этиш ва унинг таъсис форумини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қиламан.

Бешинчи. Ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, халқаро стандарт ва меъёрлар асосида сифатли хизматлар кўрсатиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масаладир.

Биз Ўзбекистонни ижтимоий давлат, деб эълон қилиб, аҳолининг ҳар томонлама ҳимоясини таъминлашни сиёсатимизнинг устувор йўналиши этиб белгиладиқ. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширяпмиз.

Охирги саккиз йилда 7 миллиондан зиёд аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, унинг даражаси 35 фоиздан 8,9 фоизга туширилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 6 фоизга пасаитиришни мақсад қилганмиз.

Шу йил сентябрь ойдада юртимизда бўлиб ўтадиган камбағалликни қисқартиришга бағишланган халқаро конференция ишида давлатларингиз парламентлари вакилларини фаол иштирок этиш учун таклиф қиламиз.

Яна бир муҳим масала. Ҳозирги кунда барча жабҳаларга кенг кириб келаётган сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтиришни бугунги замоннинг ўзи биздан талаб этмоқда.

Сунъий интеллектдан фойдаланиш этикаси бўйича модель қонун ишлаб чиқилса, ушбу инновацион ҳуқуқий асос дунё миқёсида тез ривожланаётган ушбу соҳани самарали тартибга солишда барча давлатлар учун ўзига хос намуна бўлар эди.

Хўрматли парламентлар раҳбарлари ва аъзолари!

Бизнинг барча таклиф ва ташаббусларимиз Парламентлараро Иттифоқнинг Стратегияси мақсадларига тўла мос экани билан аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, ёндашувларимиз бугунги тарихий Ассамблея якунлари бўйича қабул қилинадиган Тошкент декларациясида ҳам ўз ифодасини топади, деб ишонаман.

Албатта, дунёдаги ҳеч бир давлат ва жамият фақат кўплаб қонун ёки қарорлар қабул қилиш билан ривожлана олмайди. Барчамиз бу йўлда бирлашиб, қонун ижодкорлиги руҳини кучайтириб, бор билим ва тажрибамизни ягона мақсад сари сафарбар этиш орқали умумий мақсадимизга эриша оламиз.

Ассамблея доирасида ўтаётган 70 га яқин турли тадбир ва дебатларда парламентлар олдида турган энг асосий вазифалар юзасидан атрофлича фикр алмашилади ҳамда истиқболли режалар белгилаб олинади, деб ишонаман.

Қабул қилинадиган барча қарорлар эса кўп қиррали ва узоқ муддатли ҳамкорлигимиз тарихида янги саҳифа очади.

Азиз дўстлар! Халқаро ҳамжамиятнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, ижтимоий адолат ва тенгликни таъминлаш ҳамда юксак демократик қадриятларни илгари суриш йўлидаги эзгу фаолиятингизда барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва туганмас куч-ғайрат ёр бўлсин!

Ассамблея ишига катта ютуқ ва муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

«ОЛДИМИЗДА МИНТАҚАМИЗНИ НАФАҚАТ БАРҚАРОР, БАЛКИ ФАРОВОН ҚИЛИШ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИЯТ ТУРИБДИ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанддаги «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммити олдидан «Euronews»га берган интервьюси

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Самарқанд Марказий, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ ҳудудида истикомат қилган халқларнинг кўп асрлик халқаро муносабатлари тарихида алоҳида ўринга эга. Олти асрдан ортиқ вақт илгари айни шу ердан Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур Европа монархлари билан эркин ва хавфсиз савдони таъминлаш мақсадида фаол алоқалар ўрнатган эди.

Бугунги кунда Самарқанд халқаро ҳаётдаги ўзига хос ўрнини тикламоқда ҳамда мамлакатимизнинг тарихий сиёсий ва дипломатик меросини асраб-авайлаб, уни янги, янада кенг мазмун билан бойитмоқда.

Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳам-корликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

– Кейинги йилларда минтақада юз берган асосий ўзгаришларни қандай тавсифлаган бўлардингиз, Марказий

Осиё бешлигида Ўзбекистон раислиги даврида қайси устувор йўналишларга эътибор қаратасиз?

– Аввало, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу бир қатор омиллар билан боғлиқ. Биринчидан, бугунги дунё сиёсати харитасига назар ташласак, қуролли низолар, зиддиятлар ва зўравонлик авж олаётган ҳолатларнинг аксарияти айнан қўшни давлатлар ўртасида юз бераётганини кўрамыз. Бу ҳолат Яқин Шарқ, постсовет макони, Жанубий Осиё, Африка ва бошқа минтақалар учун ҳам хос.

Афсуски, Марказий Осиё ҳам бундай ҳолатлардан мустасно бўлмаган. Турли даврларда бу ерда қуролли тўқнашувлар содир бўлган, чегара масалалари, сув-энергетика муаммолари, транспорт ва алоқа соҳасидаги мураккаблиklar, хавфсизликка оид таҳдидлар вазиятни оғирлаштирган. Бу эса узоқ давом эта олмасди. Ихтилофлар кучайди, келиш-мовчиликлар чуқурлашди ва юзага келаётган мураккаб вазият минтақанинг хавфсизлигига жиддий таҳдид сола бошлади.

Биз ана шундай реал ҳолатни англаб этиб, стратегик қарор қабул қилдик: Марказий Осиёда конструктив, яхши қўшничиликка асосланган ва ўзаро манфаатли муносабатларни босқич-ма-босқич барпо этиш. Бу ёндашувнинг замирида ўзаро ишонч ва ҳурмат, умумий манфаатларни ҳисобга олиш ва тан олиш ётади.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё тубдан ўзгарди, янги қиёфа касб этди — конструктив мулоқот, ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорлик майдонига айланди. Бу эса мамлакатларимиз етакчиларининг умумий сиёсий иродаси туфайли амалга ошди. Бугун биз бу жараённинг ортга қайтмаслиги ҳақида ишонч билан айта оламиз.

2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси билан чиққанида, биз оддий, бироқ муҳим ғоядан келиб чиққан эдик: агар биз ўзаро ишонч ва очик мулоқотни ўзимиз бошламасак, ҳеч қандай ташқи ҳамкорлар минтақамизда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаб беролмайди. Бу жараён ўз самарасини кўрсатди. Бугун энг мураккаб масалаларни музокаралар орқали ҳал этмоқдамиз, қўшма ташаббусларни мувофиқлаштиряп-

миз ва олдинга дадил қадам ташляяпмиз.

Жорий йилда Тошкентда еттинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади. Бундай йиғилишларда биз нафақат кун тартибини муҳокама қияпмиз, фикр алмашаяпмиз, балки минтақа қиёфасини ўзгартирувчи аниқ қарорларни қабул қилмоқдамиз. Яқин орадаги ёрқин мисол — Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида давлат чегарасини делимитация қилиш масаласининг узил-кесил ҳал этилиши бўлди. Бу — томонларнинг йиллар давомидаги саъй-ҳаракатлари туфайли эришилган муваффақиятдир.

Савдо алоқаларини рағбатлантириш учун чегараолди савдо ҳудудлари ташкил этилмоқда, қўшма инвестиция жамғармалари ишга тушириляпти, йирик инфратузилма ва саноат лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё глобал транспорт занжирларининг муҳим бўғинига айланмоқда. Биз Транскаспий ва Трансфғон транспорт йўлакларини фаол ривожлантиряпмиз — бу мамлакатларимизнинг жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилады.

► (Давоми 3-бетда)

«ОЛДИМИЗДА МИНТАҚАМИЗНИ НАФАҚАТ БАРҚАРОР, БАЛКИ ФАРОВОН ҚИЛИШ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИЯТ ТУРИБДИ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанддаги «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммити олдидан «Euronews»га берган интервьюси

► (Давоми. Боши 1-2-бетларда)

Шу тарзда, Марказий Осиё энди тарихнинг четида эмас, балки ўз стратегик кун тартибини шакллантираётган, жадал ривожланаётган минтақага айланмоқда. Сиёсий ирода, юқори даражадаги ўзаро ишонч ва қўшма иқтисодий ташаббуслар минтақада барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратди.

Марказий Осиё бешлигида Ўзбекис-тоннинг раислиги даврида биз қуйидаги учта устувор йўналишга алоҳида эътибор қаратамиз: минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ва экологик барқарорлик-ни таъминлаш.

Олдимизда минтақамизни нафақат барқарор, балки фаровон қилиш учун тарихий имконият турибди. Ишонч билан айта оламанки, биз бу салоҳиятни бирга-ликда рўёбга чиқаришга қодирмиз.

– **Ўзбекистонда амалга оширилаётган қандай ислохотлар Европа Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда ва Марказий Осиё билан алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш учун ЕИ томонидан қандай чоралар кўрилиши мумкин?**

– Ўзбекистонда изчиллик билан қулай бизнес муҳитини яратмоқдамиз, бозор институтларини ривожлантирмоқдамиз ва инвестициявий муҳитни яхшилапмиз. Мухим қадамлардан бири хорижий инве-сторлар учун “ягона дарча” тизими жорий этилгани, валюта бозори либераллашти-рилгани, бизнес учун солиқ юки камайти-рилгани бўлди.

Натижада мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкор-ликда ижобий суръат кузатишмоқда. 2024 йилда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард долларга етди, бу ўтган йилга нисбатан 5,2 фоизга кўпдир. Мамлакатимизда Европа капитали иштиро-кидаги 1 мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, инвестиция лойиҳалари ҳажми эса 30 миллиард еврога етган. Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шерик-лик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши савдо-инвестиция алоқалари-ни янада чуқурлаштириш учун янги имко-ниятлар очишига ишонамиз.

Биз ЕИ бозорига юқори сифатли, экологик тоза ва Европа стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни кўпроқ етказиб беришга тайёрмиз. Бугунги кун-да самарали транспорт-логистика йўлак-ларини ривожлантириш аҳамияти ортиб бормоқда ва Марказий Осиё Европа би-лан Осиё ўртасидаги шунчаки “кўприк” эмас, балки глобал иқтисодий жараён-ларнинг фаол иштирокчисига айланиши мумкин.

Шу маънода, биз Европа Иттифоқининг “Глобал дарвоза” стратегиясини минтақа-даги асосий транспорт лойиҳалари билан уйғунлаштиришни, Транскаспий транспорт йўлагини илгари суриш бўйича “Ҳаракат-лар режаси”ни биргаликда ишлаб чиқиш-ни таклиф этамиз. Бу инвестициялар ор-тиши, инфратузилма ривожини ва иннова-цион технологияларни жорий этишга янги суръат бағишлайди.

Иқтисодий боғлиқликни сифат жиҳат-дан янги босқичга олиб чиқиш учун савдо тартиб-таомилларини янада соддалашти-риш, Марказий Осиё маҳсулотларининг Европа бозорига кириш имкониятини яхшилаш, техник стандартлар ва серти-фикатларни уйғунлаштириш зарур. Шу билан бирга, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, рақамли иқтисодиёт ва инновациян ҳамкорликни ривожлантириш жараёнига Европа бизнесини фаол жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Биз, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция бан-ки ва бошқа халқаро молия институтлари орқали молиявий кўмак механизмларини фаоллаштиришни қўллаб-қувватлаймиз. Европалик ҳамкорлар иштирокида кичик ва ўрта бизнес ривожини учун қулай ша-роитлар яратилиши минтақа иқтисодий барқарорлигини ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

– **Марказий Осиё — энергия ресурсларига бой ва қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга бўлган кам сонли минтақалардан бири ҳисобланади. Қайта тикланувчи манбалардан фойдаланиш бўйича кейинги тенденциялар ҳисобга олинса, минтақангиз Европанинг энергетик барқарорлигини таъминлашда қандай ўрин тутуши мумкин?**

– Марказий Осиё нафақат энергия ресурсларини барқарор етказиб бериш-ни таъминлай оладиган, балки углеродни қисқартириш бўйича глобал жараёнга ҳам катта ҳисса қўша оладиган ишончли ҳам-корга айланиши мумкин.

Марказий Осиё мамлакатлари ишти-рокида амалга оширилаётган Каспий



ва Қора денгиз орқали Европага “яшил стратегик йўлак” барпо этиш лойиҳасида ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши ўза-ро манфаатли энергетик боғлиқликнинг мустаҳкам асосини яратади.

Қайта тикланувчи энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш учун муҳим институцио-нал платформа сифатида Тоза энергетика бўйича Марказий Осиё – ЕИ шериклиги-ни ташкил этиш мумкин. Бу водород ва аммиак каби “яшил” ёқилғи, шунингдек, биоёқилғи ишлаб чиқариш ва қазилма ёқилғи ўрнига улардан кенг фойдаланиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш имкони-ни беради.

Айни пайтда Ўзбекистон ва минтақа-даги бошқа давлатлар қайта тикланувчи энергетика салоҳиятини фаол кенгай-тирмоқда. “Яшил” энергетика ва иқлим соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Марказий Осиёда “углерод кредитлари” бозорини ривожлантиришга хизмат қи-лади. Бу механизм корхоналарга эколог-ик тоза технологияларга инвестициялар жалб қилиш имконини беради, шунингдек, углерод квоталари савдоси соҳасида халқаро ҳамкорлик платформасига айла-нади.

Масалан, фаолият юритаётган 14 та янги қуёш ва шамол электр станцияла-рига қўшимча равишда умумий қуввати 24 минг мегаватт бўлган 50 дан ортиқ шундай лойиҳани амалга ошириш нияти-миз бор.

Яқин беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказишни режалаштирганмиз. Бу ис-сиқхона газлари чиқишини қарийб 16 миллион тоннага қисқартириш имконини беради ва Ўзбекистон Париж келишуви доирасида иссиқхона газлари чикин-дисини 35 фоизга камайтириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишига имкон беради.

Яна бир муҳим йўналиш энергетика тизимларини модернизация қилиш бўлиб, бу уларнинг самарадорлигини оширади ва углерод изини камайтиришга хизмат қилади.

– **Бўлажак саммитда хавфсизлик масалалари муҳокама қилиниши истиқболларини қандай баҳолайсиз? Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг қайси соҳалари Сиз учун алоҳида аҳамиятга эга?**

– Биз халқаро муносабатлар тизими-нинг чуқур трансформациясига гувоҳ бўляпмиз. Дунёда шундай кенг қўламли ўзгаришлар рўй бермоқдаки, уларнинг оқибатларини ҳозирча аниқ башорат қи-лиш мушкул.

Худудий хавфсизликни таъминлаш Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳар доим устувор йўналиш бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, 2023 йилда биз Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида бу соҳа-даги ҳамкорликнинг янги кун тартибини экспертлар муҳокамасига олиб чиқиш вазифасини қўйдик.

Биз яхши тушунамизки, бизнинг мин-тақамиз ҳам, Европа Иттифоқи ҳам хавф-сизлик соҳасида, жумладан, терроризм, экстремизм ва трансмиллий жиноятчи-ликка, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш масалаларида умумий таҳдид ва хатарларга дуч кел-моқда.

Шу нуктаи назардан, Европа Иттифоқи билан хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларимизнинг асосий йўна-лишларидан биридир.

Бугунги воқеликларни инobatга олган холда, фақат мавжуд дастурлар доираси-даги ҳамкорликни давом эттириш билан чекланиб қолмай, киберхавфлар ва экс-тремизмга қарши курашишга қаратилган янги ташаббусларни ишлаб чиқиш ҳам муҳим деб ҳисоблаймиз.

– **Афғонистон Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Кўплаб дав-латлар муваққат ҳукумат билан ҳам-корлик қилиш ҳамда бу мамлакатни минтақавий ва халқаро ҳамкорлик жараёнларига жалб этишдан ўзини тийиб турган бир пайтда Ўзбекистон**

жанубий қўшниси билан фаол алоқа-ларни давом эттирмоқда. Ўзбекистоннинг Афғонистонга бундай ёндашувининг сабаблари нимада, бу масалада давлатларимиз ўртасида жадал ҳамкорликни давом эттириш истиқболлари қандай?

– Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисба-тан ёндашуви ҳар доим прагматик ва узоқ муддатли стратегик тамойилларга асосла-ниб келган. Биз ҳеч қачон қўшнимиздан юз ўғирмаганмиз, у билан алоқаларни узмаганмиз. Биз қўшни давлатлар, жум-ладан, унинг яқин ва энг муҳим ҳамкори сифатида Ўзбекистон билан конструк-тив ҳамкорлик қилмасдан Афғонистонни ривожлантириш имконсиз, деган фикрга доим ишониб келганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Афғонистонга нисбатан олиб бораётган сиёсатимизни қўллаб-қувватламаганлар-нинг кўпчилиги бугун унинг тўғрилиги, муқобили йўқлигини тан олишга мажбур бўлишмоқда. Афғонистондаги аввалги тузум бир қатор сабабларга кўра ҳоқи-миятни сақлаб қололмаслигига амин эдик. Бу сабаблар қаторида аввалги ҳокимият-нинг мамлакат ҳудудини тўлиқ назорат қилишга қобилсизлиги, муҳолифат билан мулоқотга тайёр бўлмагани, инклюзив ҳукуматни шакллантиришга интилмагани ва давлат бошқарувининг барча даража-ларида коррупция авж олганини келтириш мумкин.

Ҳозирги раҳбарият Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга, ўз ре-сурсларини аэропортлар, ички темир йўл тармоқлари, сув-энергетика инфрату-зилмасини ривожлантиришга ва кўкнор майдонларини қисқартиришга йўналти-ришга муваффақ бўлди. БМТ маълумотла-рига кўра, “Толибон” 2023 йилда гиёҳванд моддалар савдосини таъкидлаганидан сўнг, Афғонистонда кўкнор етиштириладиган ерлар 95 фоизга камайган. Афғонистон-да кўкнордан холи келажак барпо этиш мақсадида қишлоқ аҳолисига ёрдам кўрса-тилмоқда, қишлоқ хўжалигининг муқобил йўналишлари ривожлантириляпти.

Бугунги шароитда биз Афғонистонга стратегик имкониятлар нуктаи назаридан қараш зарур деб биламиз. Ушбу мамлакат-ни халқаро иқтисодий жараёнларга жалб этиш, хусусан, унинг ҳудудида инфрату-зилмавий лойиҳаларни амалга ошириш жуда муҳим.

Шу маънода, биз Афғонистонга нафақат мавжуд инкироздан чиқиш, балки узоқ муддатли ривожланиш имконини беради-ган ижобий кун тартиби ва ташаббусларни илгари суриш учун Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ҳамкорлар билан бирга-ликда ишлашга тайёрмиз. Ҳозирда би-ринчи галдаги вазифа — Афғонистонга таълим соҳасида ёрдам беришни давом эттириш, деб ҳисоблаймиз.

Ишончим комил, Афғонистондаги вази-ятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш Марказий Осиё ва Европа Итти-фоқи давлатларининг умумий манфаатла-рига жавоб беради.

– **Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи қандай қилиб иқлим хавфларига биргаликда қарши туриши мумкин, бу соҳадаги ҳамкорлик учун қандай имкониятлар мавжуд?**

– Иқлим ўзгариши – бу энди инкор этиб бўлмайдиган хатар. Марказий Осиё қурғоқчилик, музликлар эриши ва сув танқислиги билан юзма-юз келаётган бўлса, Европа аномал иссиқлик, ёнғинлар ва экотизимлар ўзгариши билан тўқнаш келмоқда.

Марказий Осиё иқлим ўзгаришига нисбатан энг сезгир ҳудудлардан бири сифатида ўз масъулиятини тўлиқ англайди ва Европа билан узоқ муддатли ечимлар устида ҳамкорлик қилишга тайёр.

Биз учун сўзсиз устувор йўналиш – бу Марказий Осиёда “яшил” кун тартибини илгари суришдир.

Самарқанд саммити доирасида биз “яшил” ривожланиш бўйича минтақавий концепция лойиҳасини тақдим этишни режалаштирганмиз. Унда табиий ресурсл-лардан оқилона фойдаланиш ва “яшил” технологияларни жорий этиш соҳасида самарали минтақавий ҳамкорликнинг мус-таҳкам асосини яратиш кўзда тутилган.

Биз “ЕИ – Марказий Осиё яшил ше-риклиги” дастурини ривожлантиришни таклиф этамиз. Унинг доирасида қайта тикланадиган энергия манбалари, эко-тизимларни тиклаш ва иқлимни рақамли мониторинг қилиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда кучларимизни бир-лаштиришимиз мумкин.

Сув ресурсларини тежаш соҳасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бу борада Европа Иттифоқи билан ирригация инфратузилмасини модер-низация қилишдан тортиб музликларни биргаликда кузатиш ва илғор сув тежовчи технологияларни жорий этишгача бўлган йўналишларда ҳамкорлик учун катта им-кониятларни кўряпмиз.

ЕИ билан ҳамкорликни кенгайтириш-дан, хусусан давлат-хусусий шериклик соҳасида Европа тажрибасидан фойдала-нишдан умидимиз катта.

Устувор йўналишлардан яна бири – экотизимлар ва биохилма-хилликни тикладир.

Таназуулга учраган ерларни, шу жум-ладан, Оролбўйи ҳудудини кўкаламзор-лаштириш бўйича кенг қўламли дастур – “Марказий Осиёнинг яшил белбоғи” лойиҳасини алақачон бошлаганмиз.

Бу борада Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш учун улкан салоҳият мавжуд.

Биз экологик соҳада таълим тизимини такомиллаштириш ва илмий-тадқиқотлар ўтказишга ҳам устувор эътибор қаратап-миз. Ўтган йили минтақамизда биринчи “Яшил” университетни очдик, бу таълим маскани қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва инновацияларни жорий этиш учун самара-ли майдон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

– **Бўлажак олий даражадаги учрашувдан нималар кутяпсиз? Саммит якунида қандай натижаларга эришилишини истардингиз?**

– Бўлажак саммит ҳақиқатан ҳам тари-хий аҳамият касб этади, чунки биринчи марта Марказий Осиёнинг бешта мамла-кати ва Европа Иттифоқи етакчилари бир жойда тўпланади.

Биз бу саммит Марказий Осиё ва Евро-па Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги саҳифа бўлишини кутамиз. Кейинги йилларда ҳамкорли-гимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сиёсий мулоқот янада чуқурлашади, ҳамкорлигимизга янада тизимли тус бе-радиган, уни узоқ муддатли мақсадларга йўналтирадиган янги механизмлар ишлаб чиқилади, деб умид қиламиз. Минтақа-лараро ҳамкорлик, айнқиса, иқтисодиёт, савдо, энергетика ва транспорт соҳалари-даги ҳамкорликни муҳокама қилиш сам-мит кун тартибидagi муҳим масалалардан бири бўлади.

Самарқанд декларациясининг имзола-ниши саммитнинг асосий натижаларидан бири бўлиши керак. Бу ҳужжат томон-ларнинг стратегик шериклики ўрнатишга бўлган умумий интилишини акс эттиради. Декларация нафақат эришилган келишув-ларни мустаҳкамлайди, балки минтақа-ларимиз ўртасидаги алоқаларни чуқур-лаштириш учун асос яратади.

Биз инвестициявий ҳамкорликни кен-гайтириш, қўшма инфратузилма лойиҳа-ларини амалга ошириш, инновациялар ва рақамли ечимларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ келишувларга эришишдан умидвормиз.

Албатта, кўплаб саволларга саммит якунида жавоб топилади. Бироқ ҳозир-дан айтиш мумкинки, бу учрашув Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида барқарор, ўзаро манфаатли шериклик-ни барпо этиш йўлидаги муҳим кадамга айланади. Бу шериклик умумий манфаат-лар, ишонч ва биргаликдаги тараққиётга интилишга асосланган бўлади.

– **Сизда Европа етакчилари ва фуқароларига битта муҳим фикрни етказиш имконияти бўлганда, нима деган бўлар эдингиз?**

– Бугунги имкониятдан фойдаланиб, европалик ҳамкорларимизга мурожаат қилмоқчиман.

Марказий Осиё мулоқот ва ҳамкор-ликни кенгайтиришга очик. Биз барқарор ривожланиш ва халқларимизнинг фаро-вонлигини оширишга хизмат қиладиган, ўзаро манфаат ва ишончга асосланган конструктив ҳамкорлик тарафдоримиз.

Биз Европа Иттифоқининг минтақа очиклигини таъминлаш, унинг равнақи ва субъектлигини мустаҳкамлашга қара-тилган интилишларимизни қўллаб-қув-ватлаётганини юксак қадрлаймиз. Айниқ-са, Европа Иттифоқи Марказий Осиёни барқарор ва жадал ривожланаётган, барча манфаатдор томонлар билан очиқ ва тенг ҳуқуқли шерикликка тайёр бўлган минтақага айлантиришдек мақсадимизда биз билан ҳамфикр экани жуда муҳимдир.

Бўлажак саммит муносабатларимиз-да муҳим босқич бўлади. Самарқанддаги учрашув натижалари ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш учун янги истиқ-боллар очишига ишонамиз.

СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

МАНА, САЛКАМ БИР ҲАФТАДИРКИ, ДУНЁ НИГОҲИ ЮРТИМИЗГА ҚАДАЛГАН. ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН САМАРҚАНДДА БЎЛИБ ЎТГАН “МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ” БИРИНЧИ САММИТИ, САМАРҚАНД ХАЛҚАРО ИҚЛИМ ФОРУМИ ЯЛПИ СЕССИЯСИ, ШУ КУНЛАРДА АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН ПАРЛАМЕНТЛАРАО ИТТИФОҚНИНГ 150-ЙУБИЛЕЙ АССАМБЛЕЯСИНИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ГЛОБАЛ МИҚЁСДАГИ МУҲИМ СИЁСИЙ ВА СТРАТЕГИК ВОҚЕЛИК СИФАТИДА БАҲОЛАМОҚДА.



ИККИ МИНТАҚА ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАВРИ

САМАРҚАНДДА ЙЎЛЛАР ТУТАШДИ

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган, асрлар давомида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги дипломатия, савдо, маданий алоқалар ривожига асосий марказлардан саналган Самарқанд шахри яна бир йирик нуфузли тадбирга мезбонлик қилди. 3-4 апрель кунлари бу ерда юқори даражада ўтган "Марказий Осиё - Европа Иттифоқи" биринчи саммити Ер юзида тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун сиёсий ирода ва қатъиятини намоён этиб келаётган икки минтақа ҳамкорлигида, таъбир жоиз, тарихий бурилиш даврини бошлаб берди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари дунё ахборот нашри – «Euronews»га берган интервьюсида айтиб ўтганидек, Марказий Осиё энди тарихнинг четида эмас, балки ўз стратегик кун тартибини шакллантираётган, жадал ривожланаётган минтақага айланмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раислик қилган "Марказий Осиё - Европа Иттифоқи" биринчи саммити ишида Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо ҳамда Европа инвестиция банки раҳбарияти иштирок этди.

Саммит кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

«Бизнинг учрашувимиз жадал ва олдидан башорат қилиб бўлмайдиган глобал жараёнлар шароитида ўтмоқда. Биз геосиёсий зиддиятлар, хавфсизлик муаммолари, йирик минтақавий можароларнинг ҳамда барқарор тараққиётга нисбатан ижтимоий ва иқтисодий таҳдидларнинг кучайишига гувоҳ бўлмоқдамиз. Аёнки, ҳеч бир минтақа кенг халқаро ҳамкорликсиз бу қадар мураккаб масалаларни мустақил ҳолда ҳал этишга қодир эмас. Шу муносабат билан таъкидлашни истардимки, Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи анъанавий шериклар бўлиб, ўзаро яқин ҳамкорлик учун талаб фақат ўсиб бормоқда», деди давлатимиз раҳбари ўз нутқида.

Еврокомиссия раҳбари Урсула фон дер Ляйен эса Евроиттифоқ ва Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон билан стратегик ҳамкорлик босқичи бошланганини урғулар экан, "Биз, европаликлар сизнинг минг йиллик тарихингиздаги янги даврда сизлар билан бирга бўлишни истаймиз," - дея алоҳида таъкидлади.

Самарқанд саммити Қозоғистон ва Қирғизистонда муваффақиятли ўтган Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи етакчиларининг иккита учрашувининг мантиқий давоми бўлиб, ушбу мулоқотлар ҳар икки томоннинг манфаатларини тушуниш ва шериклиكنинг умумий йўналишларини белгилаб олиш учун фойдали бўлиши эътироф этилди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Европа Иттифоқи билан ўзаро ҳамкорлик сезиларли фаоллашмоқда. Кейинги етти йилда Марказий Осиё мамлакатларининг ЕИ билан ўзаро товар айланмаси ҳажми бир неча баробар ўсиб, 54 миллиард еврога етди. Ҳамкорлиكنинг самарали платформалари ишга туширилди. Барча муҳим йўналишларда вазирлар иштирокида мажлислар, форумлар, саммитлар ва конференциялар доимий ўтказиб келинмоқда.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёда минтақавий ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бу йил олти фоизгача етади ва бу бошқа минтақалардаги ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада юқоридир. Жумладан, Ўзбекистонда sanoatlashтириш, инфратузилмаларга сармоялар киритиш, иқтисодиётни либераллаштириш ва бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳисобидан барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмоқда.

Президентимиз ўз нутқида Марказий Осиёдаги чуқур трансформация жараёнлари барқарор ва ортага қайтмас тус олаганига, мустаҳкам ишонч ва яхши қўшничилик самараси ўлароқ кенг қўламли ҳамкорлик ва кооперация алоқалари кенгайиб бораётганига эътибор қаратди.

Тан олиш керак, бугунги кунда минтақада йирик инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари биргаликда амалга оширилмоқда, ўзаро савдо ҳажми ортмоқда. Чегараолди савдо зоналари ташкил

этилмоқда. Буларнинг барчаси минтақанинг барқарор иқтисодий ривожланишига хизмат қияпти.

Умумминтақавий ўзига хосликни шакллантириш, шунингдек, маданий-гуманитар ва таълим алмашинувини қўллаб-қувватлаш бўйича биргаликда салмоқли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Мамлакатларимизда етакчи миллий таълим муассасаларининг филиаллари очилмоқда. Хорижий сайёҳлар учун ягона Марказий Осиё визаси лойиҳаси илгари сурилмоқда.

– Бундан етти-саккиз йил аввал бунинг учун хатто шароит ҳам йўқ эди. Баъзи мамлакатлар ўртасидаги чегаралар ёпиқ эди. На савдо, на транзит, на бизнес, ҳеч қандай гуманитар алмашувлар йўқ эди. Муносабатлар шунчаки музлатиб қўйилганди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Саммитда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасида инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва товар айирбошлашни кўлайитириш, инновациялар, "яшил" энергетика, тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги, транспорт, логистика ва рақамлаштириш соҳаларида қўшма дастур ва кооперация лойиҳаларини илгари суриш, маданият, туризм, фан, таълим ва бошқа устувор йўналишларда фаол алмашинувларни давом эттириш масалаларига диққат қаратилди.

Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, Европа учун Марказий Осиё муҳим ресурсларнинг муқобил манбаи, Марказий Осиё учун эса Европа муҳим савдо ҳамкоридир. Кенг форматда ўтган Самарқанд саммитида икки минтақа ўртасида бундай стратегик шериклиكنинг эълон қилиниши дунё тажрибасида жуда кам учрайди.

Мамлакатимиз раҳбари ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини санаб ўтди. Инвестицияларни химоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисида кўп томонлама битим имзолаш, "Марказий Осиё - Европа Иттифоқи" қўшма савдо палатасини ишга тушириш, Кичик ва ўрта бизнес, хотин-қизлар тадбиркорлиги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма минтақавий дастурни қабул қилиш шулар жумласидан.

Жорий йилда Ўзбекистон Транспорт

» **ЕВРОПА КЕНГАШИ ПРЕЗИДЕНТИ АНТОНИУ КОШТА: – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЧУН АСОСИЙ ИНВЕСТИОРЛАРДАН БИРИ, МИНТАҚАНИНГ ИККИНЧИ ЙИРИК САВДО ҲАМКОРИ. ЭНДИ ҲАМКОРЛИГИМИЗНИ ЯНАДА ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ.**

боғлиқлиги бўйича навбатдаги иқтисодий форум ва Инвесторлар форумини ўтказишга тайёр.

Минтақа экспорт салоҳиятини ошириш, стандартлаштириш ва сертифицирлаштириш лабораториялари ва марказларини ташкил этиш учун Европа Иттифоқининг техник кўмагини кенгайтириш ҳам айлани муддао.

Стратегик минерал ресурслар соҳасида ҳамкорлик ва инвестицияларни чуқурлаштириш ўзаро манфаатли шериклиكنинг яна бек истиқболли йўналишидир. Ўзбекистон бу борада Европанинг етакчи компаниялари билан ҳамкорлик қилиш бўйича ижобий тажрибага эга. Шу билан бирга, ушбу маҳсулотларни, шунингдек, тайёр sanoат ва қишлоқ хўжалиги товарларини Европа бозорига етказиб бериш учун самарали транспорт йўлакларни мавжуд эмаслиги бу борадаги шерикликини кенгайтиришга тўсқинлик қилаётгани ҳам ҳақиқат. Шу маънода, Транскаспий транспорт йўлагини кенгайтириш ва ундан фойдаланиш учун мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар ва қулай шароитларни ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

– Ишонаман, ушбу вазифалар “Глобал дарвоза” умумевропа дастурининг мақсадларига тўлиқ мос келади, – деди Президентимиз.

Шу мақсадда Евроиттифоқ шафелигида ушбу йўналишда жойлашган мамлакатлар транспорт вазирларининг учрашувини чақириб, ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

ЭКОЛОГИЯ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ

Геосиёсий зиддиятлар кучайиб бораётган бир пайтда тобора оқибатлари ортаётган глобал экологик муаммолар кўп давлатларни иқтисодий ва ижтимоий танглик билан рўбарў қилмоқда. Фуқаролари учун барқарор ва фаровон ҳаётни таъминлаш, инсон капиталини ривожлантиришнинг стратегик аҳамияти ҳал қилувчи босқичга кириб бормоқда.

Самарқанд саммитида давлатимиз раҳбари икки минтақа ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда мазкур йўналишларда пухта ташаббусларни таклиф қилди. Ўзбекистон Марказий Осиёдан Европага электр энергияси етказиб бериш бўйича халқаро лойиҳани тўлиқ қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

Мамлакатимизда 2030 йилга қадар энергия балансида қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш, 24 минг мегаватт "яшил" қувватларни ишга тушириш режалаштирилган.

"Тоза" энергия бўйича "Марказий Осиё – Европа Иттифоқи" шериклигининг йўлга қўйилиши билан ўзаро ҳамкорлиكنинг муҳим платформаси яратилиши мумкин.

Инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялар икки минтақа ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Европа Иттифоқининг таълим, касб-хунар ва спорт соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича "Еразмус плюс" дастури доирасида минтақа мамлакатлари учун махсус квоталар жорий этилишини мамнуният бағишлайдиган ютуқлардан санаш мумкин.

Марказий Осиё мамлакатлари билан илмий-таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистонда "Уфқ - Европа" дастури офисини очиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Сунъий интеллект, "катта маълумотлар", рақамлаштириш ва космик тадқиқотлар соҳасида илмий-технологик алмашинув бўйича қўшма дастур ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

Жорий йилда Бухорода "Марказий Осиё - Европа Иттифоқи" биринчи туризм форумини ўтказиш режалаштирилган.

– Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибасини жорий этиш асосида "Бир тур – бутун минтақа" концепциясини амалга ошириш, шунингдек, минтақамиз сайёҳлари учун виза режимиани соддалаштириш масаласини кўриб чиқишда европалик шерикларимизнинг кўмагига таянамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, саммитда инсоният келажагига раҳна солаётган терроризм, экстремизм, радикализм, кибержиноятчилик, наркотрафик ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш масалаларида ҳамкорлик қилиш зарурати қайд этилди.

» **ЕВРОПА КЕНГАШИ ПРЕЗИДЕНТИ АНТОНИУ КОШТА: – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЧУН АСОСИЙ ИНВЕСТИОРЛАРДАН БИРИ, МИНТАҚАНИНГ ИККИНЧИ ЙИРИК САВДО ҲАМКОРИ. ЭНДИ ҲАМКОРЛИГИМИЗНИ ЯНАДА ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ.**

Юқоридаги ташаббус ва келишувларни амалга ошириш механизмларини жорий этиш мақсадида Бош вазирлар ўринбосарлари даражасида "Марказий Осиё - ЕИ" форматада Шериклик қўмитасини таъсис этиш ва ҳар йили учрашувлар ўтказиш таклифи билдирилди.

Самарқанд саммити якунида икки минтақа ўртасида стратегик шериклик ўрнатишни назарда тутувчи Қўшма декларация ва ўта муҳим минераллар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида декларация қабул қилинди.

4 апрель куни Самарқанд халқаро иқлим форумининг ялпи сессиясида 2 мингдан ортиқ хорижий меҳмонлар, жумладан, миллий ва глобал экологик ташкилотлар, халқаро тузилмалар раҳбарлари, экспертлар, олимлар ва журналистлар, бизнес вакиллари қатнашди. БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш форум иштирокчиларига видеомурожаат йўллади.

Сессияда Марказий Осиё олдида турган долзарб иқлим муаммолари муҳокама қилинди, экологик барқарорлик, "яшил" иқтисодий тараққиёт ва иқлим ўзгаришига қарши курашишда минтақавий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Айтиб ўтилдики, Евроиттифоқ Марказий Осиёнинг барқарор "яшил" тараққиётига муҳим ҳисса қўшаётган шериклардан ҳисобланади. Шу маънода, иқлим ўзгаришини химоя қилиш ва унга қарши курашиш масалаларида глобал етакчи бўлган Евроиттифоқ билан амалий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш манфаатлидир.

Иқлим ўзгариши муаммолари озиқ-овқат ва энергия хавфсизлиги билан узвий боғлиқ экани алоҳида таъкидланди. Хусусан, унумдор ерларнинг кескин камайиб бораётгани, чўлланиш, сув тақчиллиги Марказий Осиё давлатларининг "яшил" ривожланиш ва "яшил" иқтисодиётга ўтиш суръатини жадаллаштиришни тақозо қилмоқда.

Президентимиз "келажак авлодлар барқарор, хавфсиз ва фаровон дунёда яшаши учун барча чора-тадбирларни кўриш" умумий мақсад эканини яна бир

бор эслатар экан, бунинг учун мана шундай форматдаги мулоқотларни мустаҳкамлаш, минтақа давлатларининг биргаликдаги саяё-ҳаракатларини уйғунлаштириш зарурлигини қайд этди.

Улўфбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси раҳбари:

–Дунё Марказий Осиё давлатларининг бирдам эканига гувоҳ бўлмоқда. Шунга асосан минтақа давлатлари билан яхлит ва изчил ҳамкорликни ривожлантиришга интиломоқда. Жаҳонда шаклланаётган янги геосиёсий муҳитда Марказий Осиёнинг ишончли ўрни ва стратегик аҳамияти ошиб бормоқда.

Самарқандда юқори интенсивлик муҳитида ўтган “Марказий Осиё - Европа Иттифоқи” биринчи саммити сўнгги ҳафтанинг энг муҳим дипломатик воқеаларидан бири бўлганига шубҳа йўқ.

Маълумки, Марказий Осиё тарихдан Ғарб билан Шарқни, Шимол билан Жанубни боғловчи кўприк вазифасини бажариб келган. Кейинги йиллардаги иқтисодий ўсиш ва инвестицион фаоллик минтақанинг яна жаҳондаги стратегик марказлардан бирига айланишига замин яратмоқда.

Европа Иттифоқи билан саммит нафақат бизда, балки кўҳна қитъада ҳам янги ҳамкорлик шижоати ва муҳити шаклланаётганидан далолат беради. Бу ҳамкорлик икки томон учун ҳам бирдек манфаатли. Европа Иттифоқи 27 аъзо давлатдан иборат дунёдаги энг йирик бозорлардан бири ҳисоблана, Марказий Осиё Европани Осиёнинг йирик иқтисодиётлари билан интеграция қилувчи макон бўла олади. Биргина Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан товар айланмаси кейинги йилларда деярли 2,5 бараварга ошгани ҳамкорлик алоқаларининг шиддат билан кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Самарқанд саммити эса икки минтақа ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаради. Унинг якунлари бўйича қабул қилинган Қўшма декларация оддий ҳужжат эмас, балки конструктив мулоқотни кенгайтиришга, турли йўналишлар бўйича ҳамкорликка кучли ва доимий суръат бағишлайди.

Саммит доирасида Европа инвестиция банкнинг минтақавий офисини Тошкентда таъсис этиш тўғрисида битим имзоланди. Бу ҳамкорлиكنинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга замин яратади. Ижтимоий ривожланиш масалаларини самарали ҳал қилишда Европа Иттифоқи давлатларининг тажрибаси ва инновациялари минтақамизда ўзига хос аҳамият касб этади.

Биринчи саммит натижалари Европа ва минтақамиз халқларининг узоқ йиллик истиқболига хизмат қилади, деб ишонамиз.

Қизилгўл ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

–Кейинги йилларда халқаро майдонда ноодатий жараён кечмоқда. Буни жаҳон саҳнида содир бўлаётган зиддиятлар занжири ҳамда глобаллашув жараёнининг шиддатли тус олаётгани билан характерлаш мумкин. Мана шундай мураккаб бир даврда Ўзбекистоннинг, қўшни давлатларнинг юритаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсати дунё етакчилари учун жозибдорлик касб этмоқда. Буни “Марказий Осиё +” форматадаги саммитларининг ортиб боришида аққол кўришимиз мумкин.

Самарқанд саммити юртимизда ўтишининг ўзига хос жиҳатлари бор.

Биринчидан, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ҳамма давлати билан умумий чегарага эга ягона давлат. Шу билан бирга минтақадаги мамлакатлар билан кучли дипломатик муносабатлар ўрнатган.

Иккинчидан, Ўзбекистон минтақадаги аҳолиси энг кўп давлат. Бу ўз-ўзидан энг катта ишчи кучига эга эканлигимизни ҳам англатади.

Учинчидан, мамлакатимизнинг иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсмоқда ва бу жараён бардавомлигини таъминлашнинг катта потенциали мавжуд.

Шунинг учун ҳам “Келажакка сармоя киритиш” шиори остида ўтган саммит халқимиз фаровонлиги, ижтимоий-иқтисодий истиқболи учун ҳам ҳаётий аҳамиятга эга.

Умуман олганда, Самарқанд саммити Ўзбекистон учун нафақат дипломатик ютуқ, шу билан бирга, иқтисодий, ижтимоий ва экология соҳаларида ҳам барқарор тараққиётнинг илдизини мустаҳкамлайди. Юртимизнинг Европа билан алоқалари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилади.

Пойтахтимизда Парламентлараро иттифокнинг 150-юбилей Ассамблеяси айна мавзуда ташкил этилди. Бу бежиз эмас.

Таассуфки, бугун жаҳон майдонида геосиёсий ва геоиқтисодий қарама-қаршиликлар тобора кескинлашмоқда. Халқаро муносабатлар тизимида оқибатларини олдиндан айтиб бўлмайдиган можаро ва зиддиятлар юзага келмоқда. Бундай вазиятда дунё парламентлари ўз мамлакатларида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликка эришиш, илм-фан ва технологияни ривожлантириш ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлаш каби долзарб масалаларга устувор эътибор қаратмоқда. Ижтимоий адолат, тенглик ва барқарор тараққиётга эришиш ҳар бир давлат учун муҳим вазифага айланди.



Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати

ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ
РАЎБАРИ ПЬЕР ФЕРДИНАНДО
КАСИНИ:

— ЎЗБЕКИСТОН ҚИСҚА ДАВРДА МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА УЛКАН ТАЖРИБА ТЎПЛАДИ. МАЗКУР ТАДБИРГА МЕЗБОНЛИК ЭСА МИНТАҚАВИЙ ЕТАКЧИЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. ШУ ОРҚАЛИ ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ДИПЛОМАТИЯ МАРКАЗИ СИФАТИДА ШАКЛЛАНА БОШЛАЙДИ.

Таҳлилларга кўра, сўнгги ўттиз йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 4,5 баробарга ортган. Лекин инсониятнинг камбағал қатламлари даромадлари деярли ўзгармаган. Агар бу тенденция сақланиб қолса, 2030 йилга бориб дунё аҳолисининг 575 миллион нафари қашшоқликда умр кечиради. 84 миллион бола эса таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Ер юзининг турли минтақаларида содир бўлаётган кўролли тўқнашувлар, экологик ва техноген фожиалар, иқтисодий инқирозлар, “савдо урушлари”, терроризм ва экстремизм таҳдидлари миллионлаб инсонларнинг осуда ҳаёти ва келажагини издан чиқармоқда.

– Бундай ўта мураккаб шароитда жаҳонда тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентлар иштироки ва таъсирини оширишни замоннинг ўзи талаб этмоқда, – деди давлатимиз раҳбари Парламентлараро иттифокнинг 150-юбилей Ассамблеяси очилиш маросимига.

ОЗАРБАЙЖОН МИЛЛИЙ
МЕЖЛИСИ АЪЗОСИ РИЗВАН
НАБИЕВ:

–УШБУ ЙИРИК ХАЛҚАРО ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ЮКСАК ДАРАЖАДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. ҚУЛАЙ МУҲИТ, ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМСИ ДАВОМ ЭТАЁТГАН ТОШКЕНТ АССАМБЛЕЯСИ ОВОЗИНИ БУГУН БУТУН ДУНЁ ЭШИТМОҚДА.

Ўз сафида 181 та миллий парламент ва 15 та минтақавий уюшмани бирлаштирган мазкур Иттифок Ассамблеяси Марказий Осие тарихида илк мартаба Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётгани нафақат Ўзбекистон, балки минтақамиз учун ҳам улкан аҳамиятга эга. Чунки 140 га яқин давлатдан 2 мингдан зиёд делегатлар қатнашаётган бу нуфузли анжуман Марказий Осиенинг глобал сиёсий жараёнга интеграциялашувида муҳим қадам ҳисобланади.

Парламентлар ўртасидаги ҳамкорлик қамровини кенгайтириш, дунёда тинчлик ва демократияни мустаҳкамлаш мақсадларига йўналтирилган анжуман, шунингдек, юртимизда “Ўзбекистон-2030” ва бошқа стратегик дастурлар доирасида олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасини кенг халқаро жамоатчиликка етказиш учун қулай майдон ва имконият яратади.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида парламент институтини ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Кейинги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнини оширишга қаратилган 20 дан зиёд қонунлар қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенат ваколатлари эса 14 тадан 18 тага етказилди. Президентнинг қатор ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимиятга ўтказилди.

Миллий парламентимизда хотин-қизларнинг улуши бугунги кунда 38 фоизга етди. 2021 йилда Олий Мажлис палаталари қошида илк бор ёшлар парламентлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон парламенти йўналишида глобал аҳамиятга молик бўлган қатор халқаро ташаббусларни илгари суриб келмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияси қабул қилинди. Ўзбекистон вакиллари Осие Парламентлари Ассамблеяси, Марказий

Осие парламентлари форуми, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлар Ассамблеяси ва бошқа платформаларда фаол иштирок этмоқда.

Халқаро экспертлар Ўзбекистон сўнгги йилларда ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлаш борасида сезиларли ўзгаришларни рўёбга чиқараётганини қайд этмоқда.

Чиндан ҳам мамлакатимизда собитқадамлик билан олиб борилаётган ижтимоий сиёсат аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, даромадлар ва яшаш тарзида кескин тафовутларнинг, тенгсизликнинг олдини олиш, ҳар бир инсон давлатнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаслигини кафолатлаш мақсадларига хизмат қилмоқда. Ҳозирда ҳар бир кам таъминланган оила давлат бюджети ва ижтимоий дафтарлар орқали моддий ёрдам олмоқда. Юздан ошиқ турдаги ижтимоий хизматлар маҳалла даражасига туширилгани ижтимоий ислохотларнинг натижадорлиги ва манзиллигини кафолатламоқда. Ногиронлиги бўлган шахсларни, хотин-қизларни барча жабҳада қўллаб-қувватлаш, жамиятнинг инклюзивлигини ошириш бўйича ҳам Ўзбекистоннинг ўз тажрибаси бор.

Давлатимиз раҳбари Ассамблеядаги нутқида парламентлараро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини санаб ўтди. Жаҳоннинг турли минтақаларидаги низолар глобал ва минтақавий тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солаётгани таъкидланди. Ўзбекистон ҳар қандай зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат дипломатия ва тинч музокаралар йўли билан ҳал этишнинг қатъий тарафдори экани қайд этилди.

Бундай масалаларда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва резолюциялари асосида ечим топиш муҳим.

Шу маънода, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотини универсал ва муқобили йўқ ягона глобал тузилма сифатида эътироф этади.

Ўзбекистон етакчиси иқлим ўзгаришлари доимо диққат марказида бўлиши кераклигини таъкидлади. Париж битими доирасида ва углерод нейтраллигига эришиш борасида олинган мажбуриятлар тўлиқ бажарилиши зарур.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояси ижтимоий тараққиётнинг асосий шартларидан биридир. Дунё миқёсида аёл депутатларнинг улуши 1995 йилдаги 11,3 фоиздан жорий йилга келиб 27,2 фоизга кўтарилган.

Сўнгги йилларда юртимизда БМТ институтлари ва Парламентлараро Иттифок билан ҳамкорликда Осие хотин-қизлар форуми ва Жаҳон парламентлари аёл раҳбарлари саммити самарали ўтказилди. Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилаётган БМТ Бош Ассамблеясининг “Осие хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар фаоллигини ошириш тўғрисида”ги резолюцияси қўллаб-қувватланишига умид билдирилди.

Мамлакат салоҳиятини белгилайдиган ресурс – ёшларни миллий парламентлар ҳамда Иттифок фаолиятига жалб этиш ҳам ҳаётий зарурат. Парламентлараро Иттифок тизими доирасида Ёшлар парламентлари глобал платформасини ташкил этиш ва унинг таъсис форумини Ўзбекистонда ўтказиш ташаббуси шу жиҳатдан алоҳида эътиборга молик.

Президентимиз анжуман иштирокчиларини шу йил сентябрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган камбағалликни қисқартиришга бағишланган халқаро конференция ишида

фаол иштирок этиш учун таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтиришни бугун замоннинг ўзи талаб этаётганини таъкидлади. Сунъий интеллектдан фойдаланиш этикаси бўйича намунавий қонун ишлаб чиқилса, ушбу инновацион ҳуқуқий асос мазкур соҳани самарали тартибга солишда барча давлатлар учун ўзига хос намуна бўлади.

Билдирилган барча таклиф ва ташаббуслар Парламентлараро Иттифокнинг Стратегияси мақсадларига тўла мос экани қайд этилди.

Муқаддас ЎРОЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

–Жаҳон парламентларининг энг нуфузли ташкилоти ҳисобланган Парламентлараро иттифокнинг юбилей анжумани мамлакатимизда ўтказилиши Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганининг яққол ифодасидир. Бу мамлакатимизнинг прагматик ташқи сиёсат соҳасидаги оқилона ёндашуви ва халқаро майдондаги мавқеи тобора ортиб бораётганига яна бир далил, десак янглишмаймиз.

Ўзбекистон Парламентлараро иттифокқа 1992 йилда аъзо бўлган. Аммо мамлакатимизнинг бу ташкилотга аъзолиги 2017 йилда, яъни Ўзбекистон тараққиёт босқичига ўтган, том маънодаги инсонпарварликка йўналтирилган ислохотларни дадил бошлаган пайтда янгича мазмун касб этди. 2019 йил 17 октябрда илк бор мамлакатимиз вакили Парламентлараро иттифок Ижроия қўмитасининг аъзоси бўлди. Ўтган қисқа давр ичида миллий парламентаризм ва барқарор ривожланиш соҳасида улкан тажриба тўпланди.

Парламентлараро иттифокнинг 150-юбилей Ассамблеяси бутун дунё парламентлари нигоҳини самарали ижтимоий сиёсат юритиш билан боғлиқ долзарб масалаларга қаратмоқда. Бу борадаги ўзаро тажрибалар мулоқот моҳиятини ташкил этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлари, мамлакатимиздаги парламент фаолиятини кучайтириш, назорат функциялари таъсирчанлигини оширишга қаратилган ислохотлар мана шундай халқаро минбарларда эътироф этилаётгани кишига мамнуният бағишлайди.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО
ИТТИФОҚ ПРЕЗИДЕНТИ
ТУЛИЯ ЭКСОН:

— ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ ТАМОЙИЛЛАРИНИ – ДИПЛОМАТИЯ, ДЕМОКРАТИЯ ВА БОШҚА СОҲАЛАРДА ФАОЛ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЁТГАН ДАВЛАТЛАРДАН БИРИДИР.

Анваржон НУРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

– Аъзо парламентлар ва уларнинг депутатлари ўртасида юксак кадриятларни илгари сурадиган ушбу ташкилот барча миллатлар ўртасида тенглик ва ҳамкорлик тамойилларини рағбатлантириб келади. Дунё миқёсида катта сиёсий

майдон ҳисобланган Парламентлараро иттифок Ассамблеяси, амалиётга кўра, парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий тажрибаси юқори бўлган мамлакатларда ташкил қилинади. Шу нуқтаи назардан ташкилот юбилей ассамблеяси мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтаётгани чуқур рамзий маънога эга.

Мазкур анжуман яқунларига кўра, ташкилот бутун жаҳон парламент ҳаракатининг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги устувор йўналишларини белгилаб берадиган тегишли ҳужжатни қабул қилишни режалаштирмоқда. Бу эса инсоният учун тинч ва барқарор келажақни барпо этиш йўлида муҳим қадамлар ташлашга хизмат қилади.

Муҳсиддин НИЗОМИДДИНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим
бошлиғи:

–Парламентлараро иттифокнинг 150-Ассамблеяси бугун бани башарни ўйлантираётган глобал муаммоларга ечимлар излаш борасида мулоқот майдонини яратмоқда. Шу билан бирга ёшлар учун ҳам янги давр, янги имкониятлар эшигини очган тарихий воқеа бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ассамблеяда сўзлаган нутқида ёшларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш масаласини илгари сурди. Ёшларнинг парламент фаолияти билан бир қаторда, жамият ҳаётининг барча соҳаларида тўлақонли иштирокини таъминлаш лозимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан, Парламентлараро иттифок тизими доирасида Ёшлар парламентлари глобал платформасини ташкил этиш ва унинг биринчи таъсис форумини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи илгари сурилди.

Бу ташаббус замонавий дунёда ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг овозини глобал даражада эшиттиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Чунки бугунги кунда Ер юзида аҳолининг катта қисмини ёшлар ташкил этаётган бўлса-да, халқаро сиёсий қарорлар қабул қилинадиган майдонларда уларнинг вакиллиги талаб даражасида эмас. Ёшлар овози кўплаб мамлакатларда эшитилмаяпти, уларнинг фикри қарорлар қабул қилишда етарлича ҳисобга олинмаяпти.

Таклиф этилаётган глобал платформа эса бундай вазиятга барҳам беради. У орқали дунё ёшлари ўз фикр ва ташаббусларини эркин билдириш, муҳим глобал масалалар юзасидан парламент шаклидаги муҳокамаларда иштирок этиш, турли мамлакатдаги тенгдошлари билан тажриба алмашиш имконига эга бўлади. Платформа доирасида демократия, ижтимоий тенглик, барқарор тараққиёт, технологик ривожланиш, атроф-муҳит муҳофазаси, таълим ва бошқа долзарб соҳаларга оид ташаббуслар ишлаб чиқилади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Биз, Ўзбекистон ёшлари бу муҳим ташаббусни чин дилдан қўллаб-қувватлаймиз.

Қўш саҳифани
“Ўзбекистон овози” муҳбири
Фарида МАҲКАМОВА тайёрлади.



САЙЛОВЧИЛАРГА ҚУЛОҚ ТУТИШДА ГАП КЎП

Ўзбекистондаги бугунги қатъий ва изчил сиёсат туфайли сиёсий партиялар, депутатлик гуруҳлари, умуман маҳаллий Кенгашлар фаолияти демократик принциплар асосида янги босқичга чиқди. Бир пайтлар одамларимизнинг тушига ҳам кирмаган янгиликлар, ўзгаришлар бўляпти.

Ҳозир жойларда маҳаллий Кенгашлар илгарига қараганда анча фаоллашган. Уйқунчиларни «уйғотиб», сергаклаштирмакда. Кенгашларда бир қатор долзарб масалалар бўйича ҳисоботлар тингланмокда, қарорлар муҳокама учун тақдим этилмокда. Сессиялар анча мунозарали, савол-жавоб ва қизғин кечади. Яхши таклифлар ва фикрлар ҳам пайдо бўлиб қолади.

ЎЗДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Зулфия Туйева биз билан суҳбатда гапни шундан бошлади. Улар билан суҳбатимиз қизгин тос олди. Партия фаоллари бизга тарғибот-ташвиқот воситалари бўлган услубий қўлланмалар, тадбирлардан тасвирий ва видеолавҳаларни кўрсатишди. Партиямиз тизимида амалий ишлар борлигига, белгиланган режалар шунчаки қоғозда қолиб кетмаётганига яна бир бора гувоҳ бўлдик.

– Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда ХДП катта куч ва салоҳиятга эга. Сиз етакчилик қилаётган партия ташкилоти ана шу имкониятдан қай даражада фойдаланмокда? Кўзга кўринарли ташаббуслар ҳақида нима дейиш мумкин?

– Вилотимиздаги барча партия ташкилотлари ва депутатларимиз мамлакатимизда бўлаётган жараёнларга, олиб борилаётган ислохотларга бефарқ бўлмасдан, электротартибимиз ва сайловчилар ишончини чин маънода оқлаш мақсадида фаолият юритяпмиз, деб бемалол айта оламиз. Амалий ишларимиз салмоғи кундан-кунга ортиб бормокда. Партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, йил бошида дастлабки режа ва дастурларни белгилаб олганмиз. Шу асосида партиямиз ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари Давлат дастурлари, қонунлар ижроси, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор ташаббусларни амалга оширди.

Партиямиздан сайланган депутатлар билан одамлар орасида юришга кўпроқ ҳаракат қилимиз. Асли масала, реал вазият ўша ерда ойдинлашади. Бу эса белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга замин яратади.

Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида амалий Ҳаракат дастуридаги йўналишлар бўйича доимий комиссия йиғилишида "Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги тўғрисида"ги масала муҳокама этилди. Биз вилотда бу борада олиб борилаётган ишлар юзасидан назорат-таҳлил ишларини олиб бордик. Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, одамларимизнинг тиббий маданиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиди. Ҳозир масалани сессия муҳокамасига олиб киришга тайёрланяпмиз.

Шунингдек, ҳудудлардаги ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган 32 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг 27 таси бўйича ижобий натижа қайд этилди.

Қилинган ишлар, йўлланган сўровлар ёки сессияга киритилган масалалар ишимизга тўғри баҳо бериш учун етарли, демакчи эмасман. Аммо одамларнинг ишончини оқлаш йўлидаги ҳаракатларнинг самараси мурожаатлар ва учрашувларда кўтарилаётган саволлар, билдирилаётган фикрларда акс этиши ҳам бор гап.

Ҳозир барча депутатларимиз Давлат дастури ижроси, ҳудудларда камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахсларга давлат томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамлар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида қабул қилинган қарор ва фармонларнинг бажарилиш ҳолати бўйича изчил назорат олиб бормокда.

Жумладан, яқинда халқ депутатлари вилот Кенгашидаги партиямиз гуруҳи томонидан фуқароларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифати бўйича тасдиқланган режаларнинг ижроси ўрганилди. Ўрганишлар давомида маълум бўлишича, кафолатланган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар, ижтимоий тўловлар ҳамда амалдаги қонунчиликда белгиланган имтиёзлар бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар олиб боришмокда.

Айрим масалалар жойида ҳал қилинса, баъзиларининг ечими учун вақт талаб этилади. Баъзида маблағ билан боғлиқ масалалар бизга боғлиқ бўлмагани учун, сайловчиларнинг ёнида бироз бошимиз

эгилади. Шунга қарамай, уларга ҳуқуқий масалаҳат, қонун доирасида кўриладиган чораларни тушунтирамиз.

Эътиборли яна бир жиҳати, сессияга масала тайёрлаш давомида депутатлар жойлардаги реал вазиятни ўз кўзи билан кўриб, одамлар билан юзлашмокда. Шунинг учун улар маҳаллий Кенгашларда кўрилаётган масаланинг ипидан игнасиғача билади, қоғоздаги маълумот билан уни алдаб ҳам бўлмайди. Сайловчиларга қулоқ тутиш, улар билан елкама-елка туришда гап кўп.

Шуни ҳам айтиш керакки, бевосита мулоқот, юзма-юз учрашувларнинг таъсир кучи янада кўпроқ бўляпти, сезиларли натижалар кўзга ташланяпти. Чунки жонли суҳбатлар давомида мурожаатга, қоғозларга сигмай қолган тафсилотлар ойдинлашмокда. Масалалар бўйича янги ва қўшимча маълумотлар юзага чиқмокда.

Ушбу жараёнда депутатларимиз, фаолларимиз муҳим ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича ўз позициясини эркин билдирмокда ва ҳимоя қилмокда. Ҳозир юрагида ўти бор, мард, ўз фикрини дадил айта оладиган депутатларимиз жуда кўп. Бундай депутатлар мақсадида ҳам эришмай қўймайди. Шунинг учун ҳозир сессиялар анча мунозарали, савол-жавоб ва қизгин кечяпти. Яхши таклифлар ва фикрлар ҳам пайдо бўляпти. Аммо фақат сессияларда ҳисобот бериш, қарор қабул қилиш билан иш битмайди. Албатта, уларнинг ижроси назоратга олиниши, бир масаланинг ечими учун охиригача курашиш керак бўлади. Буларнинг барчаси партияларнинг электратти олдидаги масъулиятини ошириши аниқ.

Шу ўринда яна бир фикр. Одамлар депутатга масаласини айтир экан, яхши мақсадни кўзлайди. Фақат айрим ҳолларда андишанинг отини қўрқок қўядиган раҳбарлар ҳам учрайди. Биз бундай кишиларга нисбатан ҳамиша муросасизмиз ва халқнинг талабини қатъий равишда билдирамиз.

Бундан ташқари, биз турли лойиҳалар орқали ҳам одамларимиз орасига кириб борапмиз. Хусусан, ижтимоий ҳимоя, аҳолини иш билан таъминлаш ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ташаббуслар амалга оширилди. "Сафимиздаги ёшлар" ва "Сиёсатдаги ёшлар" лойиҳалари доирасида иқтидорли ёшларни партия сафига жалб қилиш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказилмокда. Лойиҳа доирасида ёшларга лидерлик кўникмаларини ривожлантириш ва партиянинг дастурий мақсадлари билан таништиришга алоҳида эътибор қаратилмокда.

Шунингдек, "Қувонч ва меҳр улашайлик" акцияси барча шаҳар ва туманларда самарали тарзда ташкил этилди. Хусусан, мазкур акция Бухоро шаҳридаги "Аёллар мурувват уйи"да намунавий ўтказилди. Эҳтиёжманд фуқароларга яқиндан ёрдам бердик.

Умуман, амалий ишларимиз жуда кўп, вилотимизда партиямизнинг, депутатларимизнинг нуфузи баланд. Биз берилган барча имконият ва ваколатлардан самарали фойдаланиш учун бор куч-ғайратимизни ишга соляпмиз.

– Сиз вилот партия кенгаши ишидан шахсан ўзингиз қониқасизми? Партия кенгаши йўл қўйган хатолар сизнингча, нималардан иборат? Камчиликлар қандай ва қайси пайтда ижобий тенденция томон силжийди?

– Очиги, мен вилотимизда партия ташкилотлари фаолиятидан тўлиқ қониқаман, деб айтишни нотўғри. Албатта, ишимизда мақтанса арзигулик жиҳатлар жуда кўп. Бу сайловчилар томонидан ҳам кўп айтилади. Аммо амалий ишларимиз, яхши ташаббуслар билан бирга ечилмай қолаётган муаммолар ҳам бор.

Фаолиятимизда камчиликлар бор эканини тан олишимиз керак. Яъни, барча депутатлар ҳам доимо фаоллик кўрсатяпти, деб ҳисоблаш ҳақиқатга тўғри келмайди. Қонунлар ижросини ўрганиш билан бирга, таклифлар киритиш масаласида тажриба етишмайди. Функционал вазифаларидан

ортиб, қонунларни ўрганиш, одамларнинг фикрлари асосида таклифлар беришга имкони ёки вақти ҳам йўқдир. Аммо бу етарли баҳона бўлмайди.

Маҳаллий Кенгаш депутатлари фаол ишламаса, туманда режалаштирилган ишларнинг кўпи қоғозда қолиб кетади. Вазифалар, топшириқларнинг туман, кичикроқ шаҳар даражасидаги ижроси жуда муҳим, айникса, одамларнинг кундалик турмуши, кайфиятига бевосита таъсир кўрсатадиган масала. Шунинг учун депутатларда ваколат кенгроқ бўлиши давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилади. Ҳамма гап бу ҳуқуқдан, ваколатдан самарали фойдаланишда.

Шунингдек, сессиялар қарорлари ижросини қатъий назорат қилишимиз керак. Бу борада ўз ҳолига ташлаб қўйилган ҳолатлар ҳам афсуски, бор.

Бундан ташқари, партия сафига янги аъзоларни жалб қилиш борасида қилинадиган ишларимиз кўп. Сайловчилар билан мулоқотларни кўпайтириш, сайёр қабуллар ташкил этиш, вилотнинг ҳар бир ҳудудига кириб боришга ҳаракат қилишимиз керак, деб ўйлайман.

Албатта, фаолиятимизни кучайтириш, ишимизда ижобий тенденцияни яратиш учун аввало, партиямиз ташкилотлари ва депутатлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш керак. Шунингдек, депутатлар, партия аъзолари ва оддий фуқаролар ўртасида реал мулоқот ўрнатиш бўйича янги лойиҳалар устида бош қотиряпмиз.

Йил бошида муаммо ва камчиликларни ечиш борасида қатъий режа белгиладик. Ҳар чоракда бунни муҳокама қилиб бораемиз.

– Ўтуқлар ҳақида гапирдик, хато ва камчиликларга тўхталдик. Келинг, энди бевосита партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш масаласи ҳақида гаплашсак. Бундан кейин нимани кутсак бўлади? Яна бир савол. Юқорида муаммоларни айтидингиз. Ҳўш, сиз бу муаммоларни тўлиқ бартараф этишга ваъда бера оласизми?

– Биз партиямиз нуфузини ошириш ва жамиятдаги таъсирини янада кучайтириш мақсадида бир нечта стратегик йўналишларни белгилаб олдик. Булар орасида аҳоли билан яқин мулоқотни кучайтириш, турли ижтимоий дастурларни такомиллаштириш ва қонунчилик ташаббусларини янада ривожлантириш каби муҳим вазифалар бор. Биз нафақат партия тарафдорларининг ишончини оқлаш, балки жамиятимизнинг барча қатламлари учун манфаатли бўлган қарорларни илгари суришни мақсад қилганмиз.

Албатта, ҳар қандай тараққиёт жараёнида муаммолар юзага келади. Биз уларни очик ва аниқ муҳокама қилдик. Баъзи муаммоларни қисқа муддатда бартараф этиш мумкин, бошқалари эса узоқ муддатли ва комплекс ечимларни талаб қилади. Биз бу муаммоларга нисбатан тизимли ёндашув асосида иш олиб бораемиз.

Муҳими, биз ваъда берган ҳар бир ислохотни амалга ошириш учун аниқ механизм ва режаларга эгамиз. Мен бу муаммоларни тўлиқ бартараф этиш бўйича қатъий ваъда бера олмаيمان, лекин уларни ҳал этиш учун бор имкониятларимизни сафарбар қилишга ваъда бераман.

Албатта, биз ҳудудларда сайловчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни чуқур ўрганиб, аниқ ва амалий ечимлар таклиф қиламиз. Шунингдек, бу ечимлар ижросини назорат қилиш механизмини яратишга ҳаракат қиламиз. Депутатларнинг жамоатчилик билан алоқаларини яхшилаш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада самарали ва тўлақонли йўлга қўйишга жиддий киришганмиз.

Шу кунни вилот партия кенгаши раиси билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Биз йил давомида қилинган ишларнинг ўқунлари ҳақида суҳбатлашганимизни яхши билардик. Бунни газетанинг бир саҳифасига сиғдиришнинг ҳам иложи йўқ, албатта. Энг муҳими, партиямиз ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларимиз фаолиятига назар ташлаганда кўнгли тўлиб, вазифалар қоғозда қолиб кетмаслигида... Бу каби амалий ишлардан қутилаётган натижа ҳам, шунга яраша режалар ҳам юксак. Демак, мақсад бор. Бу янги зафарлар, баланд марраларга йўл бошлаши аниқ.

“Ўзбекистон овози” муҳбири
Лазиза ШЕРОВА суҳбатлашди.



САЙЁР ҚАБУЛ: МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Х.Ибрагимова аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, муаммоларни тезкорлик билан жойида ҳал этишга қаратилган “Депутат маҳаллада” лойиҳаси доирасида тадбир ўтказди. Хусусан, Муқимий маҳалласи биносиди шу ҳудудда яшовчи фуқаролар учун сайёр қабул ташкил этилди.

Мулоқотда аҳолини қийнаб келаётган қатор ижтимоий масалалар юзасидан мурожаатлар бўлди. Жумладан, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, коммунал тўловлар, ички йўлларни таъмирлаш масалалари кўтарилди.

Депутат Х.Ибрагимова аҳоли вакиллари томонидан билдирилган мурожаатларнинг тўлиқ ва белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини ўз назоратига олди.

ДЕПУТАТ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетидида ташкил этилган “Депутат ва ёшлар” учрашувиди олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлар, депутатлар, партиянинг “Ёшлар қаноти” аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, шу жумладан, ёшларнинг ўз ташаббус ва ғояларини рўёбга чиқаришлари учун яратилаётган имкониятлар, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишда партия ташкилотлари, депутатлар ҳамда партиянинг ёшлар билан ишлаш йўналишида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

Шу билан бирга, “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил иқтисодиёт” йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ушбу дастур Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ғоя ва мақсадлари билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоханг эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Учрашувда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилиб, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

ДОИМИЙ КОМИССИЯГА МАСАЛА КИРИТЛДИ

Халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзолари спорт соҳасида амалга оширилаётган ишларни ўрганди.

Айтиш керакки, туманда айни пайтда 2 та спорт мактаби фаолият юритмокда. Уч мингдан ортқ мунтазам шугўлланувчига 109 нафар мураббий спорт сирларини ўргатиб келмокда. Шундан бўлса керак, туман спорт соҳасида вилот ва республикада етакчилар қаторида туради, дейди Жижзах вилот партия кенгаши раиси ўринбосари Мехринисо Бобоева.

Шунингдек, соҳада амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар бор. Партия гуруҳи аъзолари ўрганишлар натижасидан келиб чиқиб, масалани туман Кенгаши доимий комиссиясида муҳокама қилиш бўйича келишиб олди.

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА!

ЎЗХДП Оҳангарон тумани кенгаши ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи ҳамкорлигида «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури ижроси бўйича назорат-таҳлил ўтказилди.

Партиямиз фаоллари ва депутатлар «Ялпоқтепа» МФЙ ҳодимлари билан биргаликда эҳтиёжманд оилаларнинг яшаш шароитларини ўрганишди.

Жумладан, Ш. Эралиева хонадони ўрганилганда, бу аёлнинг бир яшар ногирон фарзанди борлиги, моддий кўмакка муҳтожлиги, М. Тошбоевнинг хонадони ўрганилганда турмуш ўртоғи ногирон эканлиги, кунлик ишда ишлаётгани ва унинг доимий бандлигини таъминлашда ёрдам сўраб мурожаат қилишди.


Уларнинг муаммоларини ижобий ҳал этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.

9 апрель – Ғмир Тему́р таваддуд топган кун

ТАРИХДАН МАЪЛУМКИ, ИЖТИМОЙ АДОЛАТ, БИРДАМЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК БИЛАН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ОЛИБ БОРГАН ҲУКМДОР САЛТАНАТИДА БАРҚАРОРЛИК, ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ҲУКМ СУРГАН. АНА ШУНДАЙ МЕЗОНЛАРГА АСОСЛАНГАН ЖАМИЯТ ВА САЛТАНАТНИ БАРПО ЭТГАН СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ШАХСИНИ ЎРГАНИШ МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИМИЗНИ ЯНАДА КЕНГРОҚ ТУШУНИШИМИЗДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИДА ИЖТИМОЙ БАҒРИКЕНГЛИК СИЁСАТИ



Мўғуллар истилосидан сўнг Мовароуннахрда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт танг аҳволда бўлган. Ана шундай мураккаб бир даврда Амир Темурнинг тарих саҳнасига кириб келиши нафақат бизнинг юртимизга, балки жаҳон мамлакатларининг сиёсий ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. XIV-XV асрларда Буюк Ипак йўли бўйлаб халқаро савдо-сотиқ қайта йўлга қўйилиб, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий аҳволнинг яхшиланиши Амир Темур шахсига бориб тақалади. Уша давр тарихчиси бўлган Шарафидин Али Яздий ҳам асарларида Амир Темур савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун кўп саъй-ҳаракат қилганини ёзади. Амир Темур улкан салтанатни бошқаришда доимо олиму уломалар билан масалаҳат

қилган. Уларнинг фикрларини тинглаган ва халқ фаровонлиги йўлида қарорлар чиқарган. Буни Амир Темурнинг тафаккур маҳсули бўлган “Темур тузуқлари” асаридан ҳам ўрганишимиз мумкин.

Унда шундай дейилади: «Амр эдимики, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашишига олиб келади”.

Шунингдек, кўрик ерларни обод қилиш, ариқларни қаздириш, кўприклар қуриш ва бунёдкорлик ишларига ҳам катта эътибор қаратган. "... кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз курса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қондасига мувофиқ хирож йиғсинлар. Яна буюрдимики, агар (ҳар ер ва элнинг) амалдорлари билан калонтарлари оддий фуқарога жабр-зулм қилса ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлса, (бундай вақтларда) етказилган зарарни калонтарлардан ундириб, жабр кўрганларга берсинлар, токи

улар яна ўз ҳолларига келсинлар. Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, ҳолиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлсаю, (лекин) обод қилишга кўрби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин”, дейилади “Темур тузуқлари”да. Ушбу ислохотлар замирида юрт ободлиги, халқ фаровонлиги мақсад қилинган.

Дарҳақиқат, ушбу асарда Амир Темур салтанат бошқарувида ижтимоий бағрикенглик сиёсати аниқ баён этилган. Жумладан, мамлакатларнинг саййидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвишлари, зоҳидларини вазифа ва ойлик маош билан таъминлаш, фақир, мискин, ногиронларга, мудarrisлар ва шайхларга нафақа тайин қилиш, авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратиш ҳақида фармон бергани қайд этилган. Ушбу китоб ўз даврида элатлар ва миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, тотувлик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун бебаҳо қўлланма ҳисобланган. “Турку тожиқ, арабу аҷамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва менга нисбатан хайрихоҳлик қилган кишиларнинг улуғларига

ҳурмат кўрсатдим, қолганларини ҳам ўз ҳолига яраша сийладим. Яхшиларига-яхшилиқ қилдим, ёмонларини эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилса қадрладим, дўстлигини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим. Кимки менинг хизматимни қилса, унинг хизмати ҳаққини адо этдим. Кимки менга душманлик қилсаю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан ҳимоя истаб, тиз чўкиб ҳузуримга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим,” дейди Соҳибқирон бу асарида.

Бағрикенглик ва самимий дўстлик алоқаларига асосланган сиёсат Амир Темур давлатининг Шарқ ва Ғарб дунёси билан фаол ҳамкорлик қилишида муҳим омил бўлган. Европанинг Франция, Испания, Италия давлатлари, Шарқда Ҳиндистон, Хитой, Миср, Рум (Туркия) каби мамлакатлари билан савдо алоқаларини олиб борган. Давлатлараро савдо-иқтисодий макон яратишга интиланган.

Амир Темур кўплаб мамлакат ҳукмдорлари билан дипломатик алоқаларни ўрнатган. Жумладан, Соҳибқирон Франция қироли Карл VI га йўллаган мактубида “Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам

ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг”, мазмундаги фикрларнинг қайд этилгани Амир Темур давлати ташқи сиёсатининг қўламини, халқаро нуфузини англатади турибди.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни буюк аждодимиз, соҳибқирон Амир Темур олиб борган инсонпарварлик ва бағрикенглик сиёсатининг, эзгу ишларнинг мантикий давоми, десак тўғри бўлади. Халқ фарвонлиги учун ижтимоий ҳимоя, аҳоли бандлигини таъминлаш, илм-фани, миллатлараро муносабатларни рвиожлантириш – буларнинг барчаси Амир Темур салтанат бошқарувида акс этган эди.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда аждодларимизнинг бой меросини ўрганиб, уларнинг ютуқларини ҳар бир жабҳада татбиқ этиш биз учун улкан имкониятларни тақдим қилади.

Холбек СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
Амалий этнология маркази
катта илмий ходими,
халқ депутатлари Бўка туман Кенгаши депутати.



ҲАМКОРИМИЗ

Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилга бориб Марказий Осиё сув тақчил минтақага, республикамиз бу бебаҳо неъмат энг танқис бўлган 33 давлатдан бирига айланиши мумкин. Глобал миқёсда тоза ичимлик суви танқислиги ортиб бораётган айни вақтда юртимизда сув таъминоти соҳасида инновацион ечимларни татбиқ этиш, оби ҳаётнинг бир томчиси ҳам беҳуда сарф этилишининг олдини олиш чора-тадбирларига устувор эътибор қаратилмоқда.

СУВ ТАНҚИС ШАРОИТДА ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР ЗАРУР



– Сўнгги саккиз йилда соҳани яхши-лашга 27,5 триллион сўм ажратилди, – дейди “Ўзсувтаъминот” бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Аҳмад Сувонқулов. – Ушбу маблағлар ҳисобига 3 627 та иншоот ва 40,6 минг км ичимлик ва оқова сув тармоқлари қурилди. Натижада 789 та маҳалладаги 7,7 миллион аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиб, яна 11,5 миллион истеъмолчи таъминоти яхшиланди. Ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 63 фоиздан 80,9 фоизга, оқова сув хизматлари билан қамраб олиш 17,2 фоиздан 20,5 фоизга етди.

Шу ўринда йирик лойиҳалар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчи эдим. Жумладан, “Тўпаланг” сув омбори манбалари ҳисобига ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳаси доирасида 1,4 триллион сўм ҳисобига 147 км тармоқ тортилиб, Сарийосиё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон туманларида, Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш лойиҳаси ҳисобига Жиззах вилояти Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туманлари ва Жиззах шаҳрида аҳоли ичимлик суви билан таъминланди.

Худди шундай, “Оқсув-Дехқонобод” лойиҳасига асосан Дехқонобод туманида, “Тошкент вилояти шаҳар ва туманларининг ичимлик сув тизимларини реконструкция қилиш” лойиҳаси доирасида Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманларида тоза сув етиб бормаган ҳудудлар аҳолисининг айни муаммоси барҳам топди. Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўл туманларини ичимлик суви билан таъминлаш борасида қилинган ишлар

ҳам эътирофга лойиқ, албатта.

Истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини, шаффофлигини ошириш мақсадида ичимлик ва оқова сув хизматларини ҳисоба олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган "Uzwater" ягона биллинг тизими ишга туширилди. Ушбу биллинг тизими барча зарур маълумотлар базалари билан интеграция қилинган.

Бундан ташқари, истеъмолчилар учун такомиллаштирилган шахсий кабинет жорий этилиб, у орқали истеъмолчилар тўловлар ҳисоботини ойлар, йиллар кесимида кўриб бориши, шу еринг ўзида тўловни амалга ошириши ва ҳисоблагичлар маълумотларини киритиши учун имконият яратилди. Объектларнинг геоахборот базасини шакллантириш бўйича ҳудудий сув таъминоти корхоналари билан маълумотлар алмашинуви схемаси ҳам ишлаб чиқилди. Бугунгача Тошкент вилоятининг Чирчик, Нурафшон ва Оҳангарон шаҳарларида тўлиқ, Сирдарё вилоятининг Гулистон ва Янгиер шаҳарларида қисман геоахборот тизимлари базаси яратилди. Ҳозирда бу йўналишда ишлар Наманган ва Хоразм вилоятларида ҳам бошланган.

Бундан ташқари, республикадаги 38 та йирик сув иншооти рақамлаштирилди ва халқаро ISO-45001:2018 (Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизликини бошқариш тизими) ва ISO-14001:2015 (Атроф-муҳитни бошқариш тизими) сертификатлари олинди.

Сув сифати ва хавфсизлиги мониторинги учун “WATER LAB” ахборот тизими жорий этилиб, тестдан ўтказилмоқда. Бунинг

учун мавжуд лабораториялар тўлиқ рақамлаштирилиб, ҳисоботлари электрон тарзда юритилади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг Францияга амалга оширган тарихий ташрифи давомида ичимлик суви таъминоти йўналишида эришилган қўшма лойиҳалар хусусида ҳам маълумот бермоқчи эдим.

Франциянинг “Suez” компанияси билан Сўрхондарё вилоятида ичимлик сув таъминотини яхшилаш лойиҳаси икки босқичда амалга оширилади. Лойиҳанинг биринчи босқичида Денов, Сарийосиё, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларида сув таъминотини яхшилаш бўйича “Suez” компанияси мутахассислари амалий ишларни бошлайди. 450 нафар маҳаллий сув таъминоти ходимлари компания томонидан ўқитилади.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асос бўйича “Свисс челлендж” (тендер) ўтказилиб, хорижий ҳамкор танлаб олинади ва 20 йилга ДХШ шартномаси асосида тармоқларни кенгайтириш ишлари бошланади. Натижада аҳолининг тоза сув билан таъминланганлик даражаси 90 фоизга етказилади.

Аниқ таҳлилларга мувофиқ жамиятимиз томонидан 2025 йилда жами 7 триллион сўм маблағлар ўзлаштирилади. Бунинг ҳисобига 23 та ичимлик ва оқова сув иншооти, 139 та сув тарқатиш ва сув кўтариш иншооти, 2 140 км ичимлик ва оқова сув тармоқлари ишга туширилиб, 225 мингта сув ҳисоблагичлар ўрнатилади. 712 минг аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланади ва 135 минг хонадон оқова сув тизимига уланади.

Соҳани рақамлаштириш масаласи ҳам диққатимиз марказида. Президентимиз томонидан жорий йил февраль ойида имзоланган Осиё тараққиёт банки иштирокидаги 125 миллион долларлик “Иқлим технологиялари орқали сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси доирасида 2025–2029 йилларда қатор ишларни амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Хусусан, сув иншоотларида 4 838 та ультратовушли ҳисоблагич ва 2 861 та масофадан маълумот узатиш ускунаси ўрнатиш ва 80 минг км га яқин ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда 12,7 мингта иншоотнинг геоахборот тизими жорий қилинади. Шу билан бирга, 15 та маълумотларни бошқариш маркази (data center) ташкил этилади.

Бу орқали республикада ягона ситуацион марказ ва ҳудудларда маълумотлар марказлари очилади. Ичимлик суви аниқ ҳисоб-китоби ва авариялар назорати тўлиқ йўлга қўйилади. Сувнинг техник йўқотишлари аниқ ўлчанади ва йўқотиш даражаси умумий ҳисобда 5 фоизга қисқартирилади.

Биз бу лойиҳани 2029 йилгача чўзиб ўтирмасдан 2028 йилнинг ўзидаёқ тугатишни режалаштирганмиз.

Тизимда фаолият олиб бораётган барча ишчи-ҳодимларнинг мақсади битта, у ҳам бўлса, халқимизни рози қилишдир.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



ЁШ КИТОБХОНЛАРГА BYD CHAZOR ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг 5 та муҳим ташаббуси доирасида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг мутолаага бўлган қизиқишини ошириш, илм олиш истагини рағбатлантириш мақсадида 2017 йилдан буюн анъанавий тарзда «Ёш китобхон» танлови ўтказиб келинмоқда.

Албатта, ёшлар орасида китобхонлиқни оммалаштириш ахборот технологиялари ҳаётимизнинг бир қисмига айланган ҳозирги замонда осон иш эмас. Ушбу танловнинг аҳамияти ҳам шунда аслида.

Бадиий асарлар билимдони, тезкор савол-жавоб, буюк мутафаккир ва адиб, шеърият ва квест каби шартлар танлов босқичларига киради. Бу ёшларимизда ижодий фикрлаш ва нутқ маданиятини ривожлантириб, китобни севиш, адабиётни чуқур англаш кўникмаларини мустаҳкамламоқда.

Танловнинг бу йилги мавсумида қизларнинг билими баланд келди. Иштирокчилар белгиланган китоблар бўйича тузилган саволларга жавоб бериб, бадиий асарлар мазмун-моҳиятини қанчалик чуқур

англаганини исботладилар. Уларнинг жавоблари таниқли адабиётшунос олимлар ва ижодкорлардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.

10-14 ёш тоифасида ғолиблик Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани "Бўз" маҳалласидан Дилбархон Ҳайдаровага насиб қилди. 15-19 ёш тоифасида 1-ўринга пойтахтимизнинг Учтепа тумани "Кўкча оқтепа" маҳалласида истиқомат қилувчи Ўғилжайрон Халдурдиева сазовор бўлди. Шунингдек, 20-30 ёш тоифасида урганчлик Мафтуна Очилова пешқадамлик қилди.

Ғолибларнинг ҳар бирига Президент совғаси — BYD Chazor электромобиллари тантанали равишда топширилди.

Бундан ташқари, танловда иккинчи ўринга — 75 миллион сўмдан, учинчи ўринга — 50 миллион сўмдан, финал босқичи иштирокчиларининг барчасига эса 10 миллион сўмдан пул мукофотлари берилди.

Ёш китобхонлар сафи тобора кўпайиб бораётгани кувончли, албатта. Чунки китоб ўқишдан тўхтаган миллат тараққиётдан ҳам тўхтайди. Китобга ошно бўлган ёшлар тимсолида ўз келажагини кўрадиган миллат бахтлидир.

ОРЗУИМИЗ УШАЛДИ

Деновнинг жануби-ғарбида "Сумбула", "Сина", "Кўкабулоқ", "Куёвсув" ва "Дашти чинор" маҳаллалари жойлашган. Ҳисор тоғ тизмаларига тутшиб кетган кенгликларда 12 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уч мингга яқин хонадон бор.

Денгиз сатҳидан 1800-2000 метр баландда жойлашган манзилда чорвачилик, деҳқончилик ва боғдорчилик кенг тараққий этган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик алоҳида эътиборда.

Ҳаёт давом этар экан, унда ечимини қутаётган масалалар бўлиши ҳам табиий. Тоғликларни кўп йиллардан буюн кўприк масаласи қийнаб келаётган эди. Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йилида маҳобатли кўприк фойдаланишга топширилгани минглаб юртдошларимиз учун айни муддао бўлди.

Иншоотнинг умумий лойиҳа қиймати 3 миллиард 900 миллион сўмни ташкил қилади. Қисқа даврда эни – 10, узунлиги эса қарийб 30 метрли улкан йўл ўтказгич барпо этилди. Унинг устки қисми ва туташ жойларга асфальт ётқизилганидан тоғлиқлар хурсанд. Пиёдалар йўлакчаси ва махсус химоя воситалари қурилгани янада қувонарли.

– Тоғ қишлоқлари икки минг йиллар олдин пайдо бўлган, – дейди "Сумбула" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нурали Жабборов. – Худуддан оқиб ўтувчи сой кўприги яроксиз аҳволга келиб қолганди. Бир неча марта таъмирланганига қарамай, талабга жавоб беролмаган. Айланма йўл йўқлиги эса бешта маҳалла аҳлининг дард-у ташвишига айлангани ҳақиқат. Замонавий иншоотнинг ишга тушиши билан мушкулотлар ортда қолди. Хуллас, 35 йиллик орзулар ушалганидан кекса-ю ёш бирдек мамнун.

– Халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш учун мамлакатимизда хайрли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Шахло Қодирова. – Айниқса, чекка ва бориш қийин бўлган манзилларда барпо этилаётган бундай ажойиб иншоотлар, уй-жойлар, шинам даргоҳлар ва кўркам мажмуалар кўрган кишининг ҳавасини келтириши табиий. "Сумбула"даги йўл ўтказгични ҳам ана шундай бунёдкорликларнинг бирига қиёслаш мумкин. Янги кўприк кўп йиллар халқимизга хизмат қилишига ишонаман.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.**



Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида шаффофликни таъминлаш чора-тадбирлари тобора самарадорлик касб этмоқда.

Жумладан, бугунги кунда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ тизимида ҳам мазкур йўналишда жадал ишлар олиб борилиб, салмоқчи натижаларга эришиляпти. Бу ҳақида "Ўзсаноатқурилишбанк: рақамлаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлашда янги босқич" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Таъкидланганидек, коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатига ишончи кескин сусайишига сабаб бўладиган иллатдир.

– Банкимизда шаффофлик тамойиллари босқичма-босқич амалга оширилмоқда, – дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бошқарув раиси ўринбосари Фаррух Абдурахмонов. – Банк тизимида рақамлаштириш нафақат тезкор ва қулай хизмат кўрсатиш, балки коррупцияга қарши курашининг самарали воситаси сифатида ҳам хизмат қилади. Шу мақсадда Ўзсаноатқурилишбанк етакчи халқаро молия институтлари, жумладан, Халқаро

молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлиқни йўлга қўйди. Ушбу ҳамкорлик натижасида, "SQB Mobile" ва "SQB Business" иловалари ишга туширилди. Ҳозирда 1,8 миллион жисмоний шахс ва 27 мингдан ортиқ юридик шахс мазкур хизматлардан кенг фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, кредит ажратишнинг марказлаштирилган андеррайтинг тизимини жорий қилиш ҳисобига жисмоний шахсларнинг кредит ҳужжатлари кўриб чиқиши 1 соатдан 5 дақиқага, юридик шахсларники эса 1 кундан 1 соатга қисқартирилди. Эътиборлиси, кредит ажратиш жараёнини рақамлаштириш ва автоматлаштириш ҳисобига коррупцион ҳолатларнинг олди олиниб, бюрократик тўсиқлар бартараф этилди. Шу билан бирга халқаро пул ўтказмалари соҳасида SWIFT GPI-трекинг ва SWIFT Payment Controls хизматлари орқали шаффофлик ва хавфсизлик таъминланмоқда.

"CROBS" электрон декларация тизими орқали ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви бўйича декларация топшириши ҳам автоматлаштирилди. Харид жараёни иштирокчилари – контрагентларни текшириш доирасида 20 та ҳолатда тартиб-таомиллар бузилиши хавфи аниқланиб, банк манфаатларига жами 66,7 миллиард сўм зарар етказилишининг олди олинди. Тадбиркорлик субъектлари билан боғлиқликни аниқлаш бўйича махсус дастур (модул) яратилиб, бу орқали банк ходимларининг корхоналар устав капитали

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК: ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

ва бошқарувидаги иштироки доимий мониторинг қилиб борилишига эришилди.

Шу билан бирга, банкда коррупцияга қарши ички назорат тизимини кучайтириш мақсадида қатор чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Коррупцияга қарши курашиш хизмати ташкил этилиб, унга мустақил назорат ваколати берилди ва банк халқаро стандартларга мувофиқ ISO 37001-2016 антикоррупция сертификатини қўлга киритди.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, банкнинг 30 нафар ходими Халқаро комплаенс ассоциацияси курсларини тугатиб, халқаро даражадаги сертификат олган. Банкда 3 минг 710 нафар ходим манфаатлар тўқнашуви бўйича текширувдан ўтказилган. Жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида журналистлар ва блогерлар иштирокида "Очиқ эшиклар куни" тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу эса банк фаолиятига оид ахборотларни кенг жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Матбуот анжуманида Ўзсаноатқурилишбанк инсон омилини камайитириш орқали самарали банк тизимини шакллантириш мақсадида дадил қадам ташлаётгани алоҳида қайд этилди.

Сунъий интеллект ёрдамида рискларни бошқариш, кредит хавфларини камайитириш ва муаммоли кредитлар улушини 20-30 фоизга қисқартириш, Call-маркази фаолиятига сунъий интеллект (овозли AI ёрдамчиси)ни жорий этиб, хизмат кўрсатиш харажатларини 20-30 фоизга камайитириш, кредит бериш жараёнини тўлиқ автоматлаштириш, ҳужжатларни текшириш вақтини кескин қисқартириш, жисмоний шахслар таъсисчиси бўлган

корхоналарнинг кредит тарихи "қониқарсиз", "шубҳали" ёки "умидсиз" деб таснифланса, уларга кредит ажратишда автоматик тўсқинлик (stop фактор)ни ишга тушириш ҳамда "SQB Business" ва "SQB Mobile" иловалари орқали банк хизматларини кенгайтириш бунга мисолдир.

Ушбу саяё-ҳаракатлар пировардида банк ишида коррупциянинг олдини олиш ва мижозлар учун янада қулай шароитлар яратишга хизмат қилади. Анжуманда оммавий ахборот воситалари вакиллари, жамоатчилик фаоллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

ЭЪЛОН

2025 йил 14 февралда вафот этган NIYAZOVA SEVARAXON KUTPIDINOVНадан сўнг мерос иши очилганлигини ва мерос иши бўйича унинг меросхўрлари Тошкент шаҳар Сергели туманидаги хусусий амалёт билан шуғулланувчи нотариус ХАЙТБAYEVA DILDORA BAHTIYOROVNaга мурожаат қилишларини маълум қиламиз.

Манзил: Тошкент шаҳар Сергели тумани, Сергели 6-мавзеси, 36/1-уй, тел: (71) 251-90-90